

ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИДА

МАНХАЖИЙ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ

Ушбу китоб

напр қилиш ва тарқатиш учун

Дорул Умма тарафидан босиб чиқарилди

Байрут – Ливан

С.б. 135190

Биринчи нашри

1425ҳ – 2004м

اقرأ باسم ربِّكَ الَّذِي خَلَقَ خَلْقَ
الإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ اقْرَأْ وَرَبُّكَ
الْأَكْرَمُ الَّذِي عَلِمَ بِالْقَلْمَ عَلَمَ
الإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ

— „(Эй Мұхаммад, барча мавжудотни) яраттан зот бүлмиш Парвардигорингиз номи билан (бопслаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яраттан (зотдир). Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни - хатни) ўргаттан ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди“.

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки,
Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина
айтилади. Ушбу китоб ичида курсив қилиб
ўзбек тилида келтирилган матн оятлар
таржимасининг маъносидир.

 - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

 - разияллоҳу анҳу / анҳо

 - алайҳис-салом

Мундарижа

1. Муқаддима.....	7
2. Халифалик давлатида таълим сиёсати	
ва уни ташкил қилиш	8
3. Халифалик давлатида таълимнинг	
умумий мақсадлари	11
4. Дарс бериш йўли	11
5. Дарс бериш услублари ва воситалари	15
МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ	19
1. Мактабдаги таълимдан кўзланган мақсадлар	19
2. Мактабдаги таълимнинг босқичлари	19
3. Мактаб палла (чорак)лари.....	22
4. Ўқув дарслари	23
4-1. Ўқув дарсларининг пойдевори	23
4-2. Ўқув дарсларининг турлари	24
4-3. Уч босқичли мактаблардаги ўқув	
дарслари турлари.....	26
4-3-1. Араб тили	26
4-3-2. Исломий сақоғат	27
4-3-3. Фанлар, билимлар, малакалар.....	30
5. Ўқув бўлимлари (ӯқув соатлари)	30
6. Давлат мактаблари ва ўқув паллалари низоми.....	31
7. Ўқув дарслари ва босқичлари.....	32
8. Давлат мактабларида палладан паллага ўтиш	
ва ўта олмаслик.....	35

8-1. Биринчи (бошлангич) босқич мактабларида палладан ўтиш ва ўтолмаслик	35
8-2. Иккинчи (ўрта) босқич мактабларида палладан паллага ўтказиш ёки ўтказмаслик	36
8-3. Учинчи босқич мактабларида палладан паллага ўтиш ва ўтолмаслик	36
9. Мактаб босқичларининг умумий имтиҳони.....	37
10. Ўқув соатлари ва ўқув дарслари	37
11. Мактаб тақвими.....	38
12. Оддий ҳунар-техника билим юртлари.....	38
ОЛИЙ ТАЪЛИМ.....	39
1. Олий таълимдан кўзланган мақсадлар	39
2. Олий таълим турлари.....	40
3. Олий таълим муассасалари	41
3-1. Техника билим юртлари	41
3-2. Ходим тайёрлаш билим юртлари	42
3-3. Университетлар	42
3-4. Илмий тадқиқот марказлари	43
3-5. Ҳарбий билим юртлари ва тадқиқот марказлари.....	44
4. Олий таълим рухсатномалари ва шаҳодатномалари ..	44
Илова.....	45
Мактаб паллаларини ўқувчиларнинг ёшларига қараб тақсимлаш жадвали	46-47

1. Муқаддима

Қайси уммат бўлишидан қатъий назар, ҳар бир умматнинг сақофати унинг мавжуд бўлиши ва ҳаётийлигининг умуртқа поғонасидир. Чунки уммат ҳазорати шу сақофат устига қурилади, унинг ғоя ва мақсадлари шу сақофат асосида белгиланади, турмуш тарзи ҳам шу сақофат билан ажралиб туради. Уммат аъзолари битта «қозон»да шу сақофат билан пишиб этилади. Натижада уммат бошқа умматлардан ажралиб турадиган умматга айланади. Уммат ақидаси, шу ақидадан келиб чиққан ҳукмлар, ечимлар, низомлар, шу ақида асосидаги илму маърифатлар, шу ақидага боғлиқ ҳодисалар - ҳамма-ҳаммаси шу умматнинг таржимаи ҳоли ва тарихи сифатида ана шу сақофатда мужассамдир. Бу сақофат тугаб битса, уммат ҳам тугаб битади, унинг мумтозлигидан асар ҳам қолмайди, ғояси, яшаш тарзи ўзгариб кетади, дўст-душманни танимай қолади, ўзлигини бой бераб, бошқа умматлар сақофати ортидан тентираб юрадиган бўлиб қолади.

Исломий сақофат Исломий ақида асосида тадқиқ этиладиган билимлар мажмуидир. Тавҳид илми каби Исломий ақидага алоқадор билимлар ҳам, фиқҳ, тафсир, ҳадис каби Исломий ақидага асосланган билимлар ҳам, Исломий ақидадан келиб чиққан ҳукмларни тушуниб олишда керакли бўлган, масалан, Исломдаги ижтиҳод тақозо этадиган араб тили ҳадис истилоҳлари, усул илми каби билимлар ҳам Исломий сақофат жумласидандир. Чунки буларнинг барчаси Исломий ақида асосида тадқиқ этилади. Ислом умматининг тарихи ҳам сақофатининг бир бўлгадидир. Зеро унда умматнинг ҳазорати, таниқли кишилари, етакчилари, саркардалари ва уламолари ҳақида сўз юритилади. Арабларнинг Исломдан аввалги тарихи эса Исломий сақофатдан ҳисобланмайди. Фақат Исломдан аввалги араб шеъриятини шу сақофат жумласига киритиш мумкин. Чунки бу шеъриятда араб тили лафзлари ва таркибларини тушунишга, бинобарин ижтиҳод қилишга, Қуръонни тафсир қилишга ва ҳадисларни тушунишга ёрдам берувчи омиллар мавжуд.

Уммат сақофати шу уммат аъзоларида шахсияни пайдо қилувчи омилдир. Зеро, у шахснинг ақлиятини, нарсалар, сўзлар ва ишларга баҳо бериш тарзини шакллантиради. Шунингдек, у унинг майл-истакларини ҳам шакллантиради. Демак, унинг ақлиятига, нафсиятига ва турмуш тарзига таъсир ўтказади. Шунга кўра, умматнинг сафқофатини муҳофаза этиш ва уни жамиятда кенг ёйиш давлатнинг асосий вазифаларидандир. Собиқ Совет

иттифоқи ўз фарзандларига коммунистик сақофатни сингдириди. Ўзининг сақофатига капиталистик ёки Исломий сақофатдан бир томчи ҳам киритмасликка ҳаракат қилди. Бутун Фарб эса фарзандларини динни ҳаётдан ажратиш устига қурилган капиталистик сақофат асосида тарбиялаб, яшаш тарзини ҳам шу асосда шакллантириб, ўз ақидаси ва сақофатига Исломий сақофатдан бирор қатра сизиб кириб қолмаслиги учун урушлар уюштириди ва уюштирмоқда. Ислом давлати ҳам ўз фарзандларига Исломий сақофатни сингдириб, давлат ичидага Исломий ақидага асосланмаган фикрга даъват этишни ман қилди ҳамда ўз сақофатини даъват ва жиҳод орқали бошқа давлатлар ва умматларга ёйиб келди, то Оллоҳ ерни яна қайтариб олгунига қадар ёйиб боради ҳам.

Уммат сақофатини муҳофаза этишнинг энг муҳим кафолатларидан бири унинг уммат фарзандлари қалбидан жой олиши, китобларда битилиши ҳамда умматнинг шу сақофат ақидасидан келиб чиқадиган ҳукмлар ва қонунлар асосида ишларни бошқарадиган бир давлатга эга бўлишdir.

Уммат сақофатининг фарзандлар қалбидан жой олиши, китоб саҳифаларида ўз аксини топиши программа (манҳаж) асосида ёки программасиз бўлишидан қатъий назар, таълим билан амалга ошади. Давлат қабул қилган муайян низом ва қонунлар билан бошқариладиган таълим программа (манҳаж)га асосланган таълим, деб аталади. Унинг ижро этилишига давлат масъул бўлади. Масалан, қабул ёшини, ўқув қуролларини, ўқитиш услугбини белгилаш ана шу низом ва қонунлар жумласидандир. Муайян программага асосланмаган таълимда эса мусулмонлар ўйларда, масжидларда, ўйғилишларда, оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар орқали таълим билан шуғулланишга қўйиб бериладилар. Унда программа асосидаги таълимнинг қонун-қоидаларига бўйсунилмайди. Лекин ҳар икки турдаги таълимда ҳам фикрлар ва билимларнинг Исломий ақидадан келиб чиқиши ёки Исломий ақида асосида бўлишини давлат назорат қилиб туради. Биз бу китобчада Халифалик давлатида таълим программасининг асослари ҳақида баҳс юритамиз.

2. Халифалик давлатида таълим сиёсати ва уни ташкил қилиш

Халифалик давлатида таълим низоми программага асосланган таълимга алоқадор шаръий ҳукмлар ва идорий қонунлар мажмуудан ташкил топади. Таълимга алоқадор шаръий ҳукмлар

ақидадан келиб чиқиб, ўзининг шаръий далиллариға әгадир. Масалан дарслеклар, ўқувчи ўғил-қизларни ажратиб, алоҳида ўқитиш каби. Таълимдаги идорий қонунлар эса мутасадди раҳбар низомни ижро этишда ва шу низомдан кўзланган фояни рўёбга чиқаришда керакли деб топган мубоҳ восита ва услублардир. Улар дунёвий ишлар бўлиб, таълим ва умматнинг асосий эҳтиёжларига алоқадор шаръий ҳукмлар ижросига муносиб келадиган тарзда ривожлантирилиши ва ўзгартирилиши мумкин. Шунингдек, улар борасида бошқа умматлар эришган мубоҳ тажрибалар, маълумотлар ва тадқиқотлардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Шаръий ҳукмлар ва идорий қонунлар мажмуидан иборат бўлган бу низомга бир бошқарув жиҳози керак бўлади. Бу бошқарув жиҳози Халифалик давлатидаги таълимнинг асосий фоясини рўёбга чиқаради. Лўнда қилиб айтганда, Исломий шахсиятни тарбиялаб вояга етказади. Мазкур жиҳоз бу ишни таълимнинг барча тарафларини назорат қилиш, ташкилластириш, кузатиб бориш, батафсилоқ айтадиган бўлсак, муайян программага асосланган қўлланмалар яратиб бериш, муносиб ўқитувчилар танлаш, ўқувчилар билим даражасининг ривожланиши ва юксалишига кўз-кулоқ бўлиб туриш, мактаблар, маъхадлар ва дорулфунун (университет)ларни керакли лаборатория ва таълим воситалари билан таъминлаш орқали амалга оширади. Кўйида биз Исломий Давлатнинг дустури лойиҳаси бўлмиш «Дустур муқаддимаси»дан «Таълим сиёсати»га оид моддаларнинг аксариятини келтирамиз:

165-модда - Таълим услубининг асоси Исломий эътиқод бўлмоғи лозим. Дарслеклар ва ўқитиш услублари шу асосдан четга чиқиб кетмайдиган тарзда ишлаб чиқилади.

166-модда - Таълим сиёсати Исломий ақлия ва Исломий нафсияни вужудга келтириш демакдир. Шунинг учун ўқитиладиган барча дарслеклар шу сиёсат асосида ишлаб чиқилади.

167-модда - Таълимдан кўзланган фоя Исломий шахсиятни вужудга келтириш ва одамларни ҳаёт ишларига алоқадор илмлар ва билимлар билан бойитишдир. Шунга кўра, таълим шу фояни рўёбга чиқарадиган тарзда йўналтирилиб, унга олиб бормайдиган ҳар қандай йўл ман қилинади...

169-модда - Таълимда математика каби аниқ фанлар билан сақоғий билимлар ўртасидаги фарқ эътиборга олиниши лозим. Аниқ фанлар керагича ўргатилаверади, маълум бир босқич билан чекланмайди. Сақоғий билимлар эса дастлабки

босқичларда Ислом фикрлари ва ҳукмларига зид бўлмаган муайян сиёсат асосида олинади. Олий босқичга ўтгач, таълим сиёсати ва ғоясидан четга чиқмаслик шарти билан фан сифатида олинаверади.

170-модда - Исломий сақофат таълими таълимнинг барча босқичларида бўлиши лозим. Олий босқичга кўтарилигач тиббиёт, ҳандаса, табиатшунослик каби соҳаларга ихтисослаштирилганидек, Исломий билимларни ҳам ҳар хил соҳаларга ихтисослаштириш керак.

171-модда - Фан ва саноатлар бир жиҳатдан савдогарлик, деҳқончилик, кемасозлик каби илмга тааллуқли бўлса, иккинчи жиҳатдан рассомлик, ҳайкалтарошлиқ каби хос нуқтаи назар билан таъсирланган фан ва саноатлар сақофатга алоқадор бўлади. Илмга алоқадорлари ҳеч бир чекловсиз ёки шартсиз қабул қилинаверади. Сақофатга тааллуқлизилиари эса Ислом нуқтаи назарига зид келган пайтда қабул қилинмайди.

172-модда - Таълим программаси (манҳажи) битта бўлади. Давлат программасидан бошқасига рухсат этилмайди. Модомики давлат программасига риоя этиб, таълим режаси асосида иш олиб бориб, таълим сиёсати ва ғоясини рӯёбга чиқарар экан, уй мактаблари ҳам тақиқланмайди. Фақат бу мактабларда ўғил-қизлар аралаш ўқитилмаслиги, эркак ва аёл муаллимлар аралаш ишламаслиги ҳамда бу мактаблар бир тоифа, дин, мазҳаб, ирққа хос бўлиб қолмаслиги шарт.

173-модда - Ҳаётда инсон учун зарур бўлган таълимни бошлангич босқичда ҳам, кейинги босқичларда ҳам ҳар бир эркак ва аёлга мукаммал қилиб бериш давлатнинг бурчидир. Бунинг учун ҳеч кимдан ҳақ олинмайди. Олий таълим ҳам мумкин қадар юқори даражада ҳамма учун қулай ва белул қилиб берилади.

174-модда - Давлат фикҳ, усули фикҳ, ҳадис, тафсир, тафаккур, тиббиёт, ҳандаса, химия, ихтиrolар ва қашфиётлар каби ишларга қизиқувчиларга шу билимлар борасидаги тадқиқотларни давом эттиришларига имконият яратиб бериш учун мактаблар ва олий ўқув юрталаридан бошқа жойларда ҳам кутубхоналар, лабораториялар ва бошқа ўрганиш воситаларини муҳайё қилиб беради. Токи уммат орасида кўп сонли мужтаҳидлар, ижодкорлар ва ихтирочилар етишиб чиқсин.

3. Халифалик давлатида таълимнинг умумий мақсадлари

Таълимнинг икки асосий мақсади бўлиб, ўқитиш услублари ва дарсликларини белгилашда уларга риоя этиш лозим. Улар қўйидагилар:

1. Уммат фарзандларида Исломий ақлия ва нафсиядан иборат Исломий шахсияни пайдо қилиш. Бу иш уларнинг диллари ва ақлларига исломий сақофатни ақида сифатида ҳам, тафаккур сифатида ҳам, турмуш тарзи сифатида ҳам сингдириш орқали амалга ошади. Шунга кўра, Халифалик давлатида таълим программаларини ишлаб чиқувчилар ва амалда татбиқ этувчилар шу foяни рўёбга чиқаришга ҳарис бўладилар.

2. Мусулмон фарзандларини ижтиҳод, фиқҳ, қозилик каби Исломий илмлар соҳасида бўлсин, ёки ҳандаса, химия, физика ва тиббиёт каби аниқ фанлар соҳасида бўлсин, ҳаётнинг барча соҳаларида мутахассис олимлар қилиб етишириш. Токи улар Ислом Давлати ва Умматини кафтларида кўтариб, давлатлар ва умматлар орасидаги энг юқори мақомга олиб чиқсанлар. Токи уларнинг давлати тафаккури ва иқтисодида кимгадир қарам ёки малай бўлмасдан, етакчи ва ўз мабдаси билан таъсир кўрсатувчи давлатга айлансин.

4. Дарс бериш йўли

Дарс беришнинг энг тўғри йўли ўқитувчи тарафидан фикрий мурожаат, ўқувчи тарафидан эса фикрий қабул қилишdir. Зеро, ўргатиш ва ўрганиш қуроли фикр ёки ақлдир. Оллоҳ Таоло инсонга ақл бериб, уни бошқа маҳлуқотлардан мукаррам ва афзал қилди. Ақл туфайли инсон мукаллафлик мақомига кўтарилди.

Ақл тўрт қисмдан таркиб топади: Фикрлашга яроқли мия, ҳис қилиш, воқе ҳамда воқе хусусидаги собиқ маълумотлар. Ақл, фикр ва идрокнинг маъноси битта. Унинг таърифи мана бундай: «Ҳис қилувчи аъзолар воситасида воқеликни мияга кўчириш ҳамда шу воқени тушунтириб берувчи сабиқ маълумотларнинг мавжудлиги», кейин эса воқе устидан ҳукм чиқаришdir. Агар бу фикрни - таълим соҳасида бўлганидек, бошқаларга ўтказиш ирода қилинса, ўқитувчи бу фикрни ифодалашнинг бир ёки кўпроқ воситалари орқали ва энг аввало тил орқали ўқувчиларга етказади. Агар талабаларда бу фикрнинг ҳис қилинган воқеи бўлса ёки қачонлардир уларда шундай ёхуд шунга ўхшаш ҳиссиёт ўтган бўлса, уни гўё ўзлари эришган фикр сифатида қабул қилиб

оладилар. Агар уларда фикрнинг ҳис қилинган воқеи бўлмаса ёки ҳис қилиш мумкин бўлмаса, шунчаки шарҳ қилинган жумлаларнинг маъносини тушуниб олган бўлсалар, уни фикр сифатида эмас, балки маълумот сифатидагина қабул қилиб оладилар, холос. Бу билан улар фикрловчи эмас, ўрганувчигина бўлиб қоладилар. Шунга кўра, ўқитувчи талабаларга фикрлар берадиган вақтда уларда ҳис қилинган воқенинг айнан ўзини ёки ўхшишини юзага келтиришга ҳаракат қилиш билан бу фикрлар маъноларини ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Токи улар бу фикрларни шунчаки маълумотлар сифатида эмас, фикрлар сифатида қабул қилсилар. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг воқени ҳис қилишига алоҳида диққат қилиши керак. Агар воқенинг ўзини кўрсатиш имкони бўлмаса, унга яқин бир тасаввурни бериш даркор. Токи маълумотлар ҳис қилинган воқенинг айнан ўзи билан ёки ўқувчи тасаввуридаги воқе билан бирлашиб, ўқувчидаги фикрни вужудга келтирсин.

Ўқитувчининг ўқувчиларга берадиган фикрларига қаралади:

- Агар унинг аввалда ўқувчилар ҳис этган воқеи бўлса ёки айтилаётган пайтда ҳис қилсалар, демак, уни англаган ва фикр сифатида қабул қилган бўладилар;

- Агар ўқувчилар аввалда ҳис қилмаган бўлсалар, фикр етказилётган пайтда ҳам ҳис қилмасалар, балки ўзларига қандай етказилётган бўлса ўшандай тасаввур қилиб тасдиқлаётган бўлсалар ва натижада гёё ўзлари ҳис қилгандек бир воқени тасаввур этсалар ҳамда уни бамисоли ҳис қилинган воқедек фараз қилсалар, бу ҳолатда ҳам уни англаган ва фикр сифатида қабул қилган бўладилар.

Ҳар икки ҳолатда ҳам муаллимнинг уларга берган фикри ўзларининг фикрларига айланади. Лекин агар фикрнинг ҳис қилинган воқеи бўлмаса ёки ҳис қилишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда бу фикр қабул қилувчига нисбатан маълумотдан бошқа нарса бўлмай қолади.

Инсон ўзининг беш ҳиссидан бири билан ҳис қилиши мумкин бўлган воқе ҳис қилинган воқедир. Воқенинг моддий ёки маънавий бўлишининг фарқи йўқ. Моддий воқега мисол тариқасида кўриш орқали дараҳтни, эшлишиш орқали чумчуқнинг овозини, ушлаш орқали матонинг мулойимлигини, ҳидлаш орқали гулнинг бўйини, татиб кўриш орқали асалнинг таъмини ҳис этишларни келтириш мумкин. Маънавий воқега эса шижаот, ҳалоллик, қўрқоқлик, хиёнат каби тушунчалар киради. Инсон уларни моддий кўринишларига қараб фикран ҳис этади. Масалан,

мусулмоннинг душманга қарши жангда - унинг сони ва қурол жиҳатидан устун бўлишига қарамасдан, сабот билан жанг қилиши шижаот эканини, урушдан қочиши эса қўрқоқлик экани англаб олинади. Демак, моддий ёки маънавий бўлишидан қатъий назар, ҳис қилинган ёки ҳис қилиш мумкин бўлган воқелик тафаккур жараёнидаги асосий омиллар. Усиз фикр фикр бўлмайди.

Инсон ҳис қила олмайдиган жаннат, дўзах, арш каби ғайб ишлар ҳис орқали тафаккур қилинмайди. Уларни фақат тўғрилиги қатъий бўлган хабарлар - Қуръони Карим ва мутавотир ҳадис орқалигина тафаккур қилиш мумкин. Айрим одамлар мавжуд деб хаёл қиласидиган алвости ва ерни шохидаги кўтариб турган ҳўқиз каби ғайб ишлар билан машғул бўлиш эса тафаккур дейилмайди. Чунки уларни ҳис қилиб ҳам бўлмайди, уларнинг ҳис қилинганлиги қатъий нақл ҳам қилинмаган. Улар хаёл ва хурофотдан бошқа нарса эмас. Шундай бўлгач, ўқувчиларни улар хусусида фикрлашдан четлатиш лозим.

Эшитиш ёки ўқиш орқали бўладиган фикрий мурожаат ва фикрий қабул қилиш жараёнида мурожаат қилувчи, яъни ўқитувчи ёки услугуб белгилаб берувчи шахс тафаккурнинг тўрт элемент (унсур)идан фойдаланиши шарт. Ўқитувчи ўқувчига ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қиласи экан, агар ўқувчи олдин воқени ҳис қилмаган бўлса, унга воқеликни аниқ тасвирлаб бериши керак. Токи қабул қилувчи воқени гўё ўзи ҳис қилгандек билсин. Бу иш ўқувчи воқеликни тасаввур қила олиши учун ўша воқе хусусидағи барча маълумотларни келтириб бериш билан бўлади.

Ўқитиш ёки ўқишида фикрий мурожаат ёки фикрий қабул қилишнинг асосий қуроли лафз ва жумлаларни, шу лафз ва жумлалар далолат қиласидиган маъноларни, бу маънолардан келиб чиқадиган фикрларни ўз ичига олган луғат (тил)дир. Агар ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бу сўзлар, жумлалар ва маъноларни қандай фикрга далолат қиласа ўшандай англасалар, ўқитиш ва ўқиш жараёнида бу қурол ўта фаол хизмат қиласиди. Шунга кўра ўқитувчи ҳам, услугуб белгилаб берувчи шахс ҳам ўқувчилар учун луғат бойлигидан фойдаланиб, улар тушунадиган сўзлар, жумлалар ва ибораларни ишлатишлари лозим. Токи икки тараф ўртасидаги ўзаро фикр алмашиб осон кечсин. Биз фикр алмашибдан тафаккурнинг тўрт элементини ўз ичига олиши назарда тутяпмиз.

Шу тариқа ёзма ёки оғзаки матнлар ўқувчининг миясида (ҳудди ўқитувчидек) фикрларга айланиб, ўзидаги луғат бойлиги билан уларни ифодалаши, ўзидаги ҳалол, ҳаром, тўғри,

хато деган миқёслар орқали улар билан муносабатга киришиши мумкин бўлади.

Ҳар қандай фикрни бериш ёки қабул қилиб олишнинг тўғри йўли мана шудир. Бунда фикрнинг мабда фикрлари каби ҳаёт хусусидаги маҳсус нуқтаи назарга бевосита алоқадор бўлиши ёки математика фанлари каби бевосита алоқадор бўлмаслиги фарқланмайди. Агар фикрлар ииккинчи турдан бўлса, яъни уларнинг ҳаёт хусусидаги маҳсус нуқтаи назарга бевосита алоқаси бўлса, бошқачароқ қилиб айтганда, инсоннинг ўз Раббиси, ўзи ва бошқалар билан бўладиган муносабатини тартибга солувчи фикрлар жумласидан бўлса, уни Исломий ақида билан боғлаш шарт. Бу пайтда ўқувчининг фикрига мурожаат қилиш билан бир қаторда унинг туйғусига ҳам мурожаат қилиш ва ўқувчининг дунё ва охиратдаги ҳаётига бу фикрнинг алоқадорлигини тушунтириш зарур бўлади. Токи ўқувчи бу фикрнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилсин, у фикр унинг турмуш тарзини бошқариб турадиган тушунчага айлансин. Исломий ақида белгилаб берган маҳсус нуқтаи назардан келиб чиқсан тўғри фикрларга нисбатан унда муҳаббат ва қизиқиш туйғуларини жунбишга келтиrsин. Қаноат ва ишонч билан уларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилсин. Токи, бу тушунча ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга зид бўлган хато фикрларга нисбатан унда ёмон кўриш ва нафрatlаниш туйғуларини қўзғатиб, уларни рад қилиш ва уларга қарши курашишга шошилтиrsин. Зеро, нуқтаи назарга алоқадор фикрий матнни ўргатишдан мақсад унинг луғавий маъноси билангина чекланиш эмас, балки матнни тушуниб олишdir. Яъни матнни - унга алоқадор бўлган воқеликка солиб кўриш учун тушуниб олишdir. Ўқувчи бу воқеликка нисбатан - амал қилиш ёки тарк қилиш билан бўладими, ҳеч фарқсиз - шаръан талаб қилинган мавқени эгаллаши учун матнни воқеликка солиб кўриши керак. Ўқувчига бу турдаги фикрлар унинг турмуш тарзи Ислом ҳукмлари билан бошқарилиши учун ўқитилади. Зеро, таълим фикрий дабдаба учун бериlmайди, балки ўзининг ҳар бир иши ва сўзи билан Оллоҳнинг ризолигига эришишга ҳаракат қиладиган, ақлияси ва нафсияси баркамол мусулмон шахсни тарбиялаб етиштиришга хизмат қилади.

Агар фикрлар ииккинчи турдан бўлса, яъни физика, химия, математика каби хос нуқтаи назарга бевосита алоқаси бўлмаган фикрлар жумласидан бўлса, улар Оллоҳ инсонга бўйсундириб берган коинот билан муносабатга киришишга ўқувчини тайёрлаш учун ўргатилади. Оллоҳ Таоло айтади:

وَسَخَّرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مِنْهُ

– „У йўз томонидан (яъни йўз хоҳиш-иродаси билан) сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйсундириди“. [45:13]

Оллоҳ Таоло яна айтади:

وَسَخَّرَ لَكُمُ اللَّيلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ وَالثُّجُومُ مُسَخَّرَاتٌ بِأَمْرِهِ

– „У зот сизлар (бекаму кўст ҳаёт кечиришингиз учун) кеча ва қундузни, қуёш ва ойни (бир тартибга солиб) бўйсундириб қўйди. (Барча) юлдуз-сайёralар ҳам Унинг амрига бўйсундирилгандир“. [16:12]

Демак, мусулмон Исломий шахс сифатида аниқ фанларни улардан фойдаланиш учун, уларни Ислом умматининг манфаатларига ва тақдирий масалаларига хизмат қилдириш учун ўрганади. Чунки илм фақат илм бўлгани учунгина олинмайди, балки мана шу ҳаётда инсон ўрганган билимлари ва фикрларидан Ислом ҳукмлари асосида фойдаланиш учун таълим олади. Оллоҳ Таоло айтади:

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةِ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا

– „Ba Olloҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират (ободлигини) истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин“. [28:77]

5. Дарс бериш услублари ва воситалари

Ҳар бир мафкуранинг ўзига хос ижро этиш йўли бор. Услуб эса иш бажаришнинг муайян кайфиятидир. У доим ўзгариб туради. Таълим мавзусида эса услуб деганда фаолиятнинг барча ўйналишлари мақсад қилиниб, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг фикрлар, тушунчалар ва турли билимларга тезроқ ва муваффақиятли тарзда эришишларига ёрдам бериш учун шу ўйналишларда иш олиб борилади. Бу ерда турли услублар мавжуд бўлиб, ўқитувчи улардан таълим жараёнига муносиб келадиганларини танлаб олиши мумкин. Демак, ўқитувчи мақсадга эришиш учун ўқувчиларнинг савиясини ҳисобга олиб, бу услублардан энг афзалини танлаб олади. Суҳбат, мунозара, сўзлаб бериш, ҳикоя қилиш, муаммоларни ҳал этиш, тажрибалар ўтказиш ҳамда бевосита амалий машғулотларнинг ҳаммаси шу услубларга киради. Кўпинча услуб бу ишни бажаришда бир ёки бир неча воситаларга муҳтоҷ бўлади. Воситалар ҳам, услублар ҳам шароитлар, шахслар ва имкониятларга қараб ўзгариб, ривожланиб туради. Ҳар бир мафкуруни амалга ошириш учун бир

йўл бўлиши шарт бўлганидек, восита ва услублар ҳам бу йўлни тез ва муваффақиятли ижро этишда асосий рол ўйнайди. Ишни тез ва муваффақиятли амалга ошириш эса шу ишни бажаришга муносиб восита ва услубларни ўйлаб топиш маҳоратига таянади.

Масалан, ўқитувчи тарафидан фикрий мурожаат, ўқувчи тарафидан эса фикрий қабул қилиш бўлган таълим ўтмишда қалам, қофоз, оғзаки нутқ, тақлид ва ёзиш каби восита ва услублар билан амалга ошган бўлса, бугунга келиб бу восита ва услублар нашр қилинган суратлар, кинофильмлар, кассеталар ва лабораторияларда ўтказиладиган тажрибалар билан алмашди. Ўқувчиларда ақлий тариқат (йўл)ни марказлаштириш учун мос келадиган услублардан фойдаланиш мактаб бурчидир. Чунки ақлий тариқат ёрқин фикрлаш ва Ислом асосида уйғонишнинг асосидир. Шу ақлий тариқат билан инсондаги энг катта тугун ечилади ва инсон шу тариқат билан коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги, дунё ҳаётидан аввалги вужуд ва кейинги ҳаёт ҳақидаги, коинот, инсон ва ҳаётнинг аввалги вужуд ва кейинги ҳаёт билан алоқаси ҳақидаги тўғри, атрофлича фикрга эга бўлади. Сўнг шу тўғри фикр орқали давлатнинг ҳам, умматнинг ҳам, Исломдаги низомнинг ҳам асоси бўлган Исломий ақидага етиб боради.

XIX-чи асрдан бошлаб Европа, Америка ва Россия илмий изланиш услуби орқали саноатда инқилоб ясад, мислсиз муваффақиятга эришди ва бу услугга «ilmий йўл» деб ном берди. Бу йўл фақат аниқ фанлар борасидагина тўғри ва самарали йўлдир. Унинг йўл деб номланиши ҳам хато эмас. Чунки у тадқиқот олиб боришдаги муайян доимий услубдир. Фақат уни ақлий йўлнинг ўрнига тафаккур учун асос қилиб олиш тўғри бўлмайди. Негаки бундай қилиш Оллоҳ Таолонинг борлигини, Мұхаммад ғанинг пайғамбарлигини билиш каби ақлий йўл билан эришиладиган кўпгина ҳақиқат ва билимларни мавжуд эмас, деб ҳукм чиқаришга олиб бориб қўяди. Демак, илмий йўл тўғри йўл, лекин тажриба орқали ўрганиладиган ҳис қилинувчи моддаларгагина хос бўлган йўлдир. Бошқачароқ қилиб айтганда, у фақатгина тажриба ўтказиш орқали модданинг моҳияти ва хусусиятларини ўрганишга ярайди, холос. Ақлий йўл эса ўзининг тўрт элементи билан биргаликда тафаккурнинг асоси бўлиб қолаверади. Негаки у физика каби ҳис қилинувчи моддалар тадқиқотида ҳам, эътиқод, шариат, тарих каби фикрлар изланишида ҳам, адабиёт каби сўз баҳсида ҳам қўлланилаверади. Мабодо бир нарсанинг борлиги хусусида ақлий натижага билан илмий натижага қарама-қарши келиб қолса, ақлий натижага қабул

қилинади. Чунки унинг нарсани бор деб ҳукм чиқариши қатъийдир.

Илмий йўл эса химия ва физика каби тажриба орқали ўрганиладиган билимлардагина қўлланилади. Оллоҳ Таоло инсонга бўйсундириб қўйган коинот моддаларидан ва уларнинг хусусиятларидан Ислом ҳукмлари доирасида фойдаланиш мақсадида шу моддаларнинг моҳияти ва сифатларини кашф қилиш учун илмий йўл шу фанларда қўлланилади.

Айрим файласуфлар, хусусан қадимги юонлар «мантиқий изланиш» услубини тафаккурга йўл деб ҳисоблаганлар. Ваҳоланки мантиқ тафаккурга йўл бўлиши у ёқда турсин, илмий тадқиқот (илмий йўл) даражасига ҳам кўтарила олмайди. У ўзининг «Натижага эришиш учун бир фикрни иккинчи фикр устига қуриш», деган таърифи эътибори билан бор-йўғи ақлий йўл услубларидан бири бўлиб қолаверади, холос. Шунда ҳам у хато, алдаш, адаштириш хусусиятларига эга бўлган чигал услубдир. Гоҳида ҳақиқатнинг аксига олиб бориб қўяди. Ундан четланган маъқулроқдир. Иттифоқо, уни қўллаш зарур бўлиб қолса, натижасини ақлий йўлга бўйсундириш лозим.

Мактаб программаларини тузувчилар ва ўқитувчилар ҳар бир дарсни ўргатиш учун восита ва услубларни танлаётган пайтларида қўйидаги фикрларга риоя қилишлари керак:

1. Восита ва услублар доимий бўлмайди. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга белгиланган фикрларни тушунтириш учун уларнинг шароитлари ва улар ўртасидаги шахсий тафовутларга диққат қилгани ҳолда энг самарадор восита ва услубларни ўйлаб топиши лозим;

2. Ҳислар (эшитиш, кўриш, ушлаш, ҳидлаш, тотиш) тафаккур элементларининг асосийсидир. Улар орқали воқени ҳис қилиш мияга қўчади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга таълим (фикр юритиш) мавзуси (ўрни) бўлган воқеликни ҳис қилишда бу ҳиссиётлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишларига имкон бериши лозим. Агар воқелик таълим асносида ўқувчилар кўз ўнгидаги мавжуд бўлса, шундай қилиши лозим. Мавжуд бўлмаса, ўқитувчи уларга муносиб восита ва услублар билан воқени гавдалантириб берсин. Токи ўқувчилар уни гўё ҳис этаётгандек тасаввур қилсинлар. Чунки воқени ҳис қилиш тафаккурдаги асосий элементдир. Бир воқени ҳис қилишда сезгилар қанчалик кўп иштирок этса, инсон воқеликни шунчалик чуқур ҳис қилади ва воқеликка, унинг хусусиятларига янада аниқроқ баҳо беради;

3. Ўқувчиларга мурожаат қилиш ва программаларни ёзишда улардаги лугат бойлигига эътибор қилиш лозим;

4. Инсоннинг, хусусан олти ёшдан ўн ёшгача бўлган ўқувчиларнинг нарсалар тафсилот (икир-чикир)ларини идрок этишдан аввал уларнинг умумий шаклларини идрок этишлари хусусиятини ҳисобга олиш даркор.

Бу эса қўйидагиларни тақозо этади:

- Ўқувчиларга ҳарфларни ўргатишдан олдин маъноларга далолат қилувчи сўзларни ўргатиш керак. Маълум бир сўзнинг маълум бир воқега далолат қилишини англағанларидан кейин калиманинг таҳлилий жараёни, яъни сўзни ташкил қилувчи ҳарф ва бўғинлар баёни бошланади. Таҳлилий жараён таркибий жараён билан, яъни аввал ўрганилган ҳарфлардан янги сўзлар ясаш, аввал ўрганилган сўзлардан эса янги гаплар тузиш билан бирга олиб борилади. Шу билан тил ўргатишнинг икки йўли, яъни сўз ясаш йўли билан гап тузиш йўли бирлашади;

- Нарсаларнинг таркибий қисмлари ва нозик хусусиятларини ўргатишдан олдин уларнинг ташқи жиҳатларини ўргатиш лозим;

- Буюк шахсларнинг ҳаётлари ва қилган ишларини батафсил гапириб беришдан олдин уларнинг таржимаи ҳоли билан қисқача танишитириб ўтиш керак;

- Матндаги иккинчи даражали тафсилотларни баён қилишдан олдин умумий маъно ва асосий фикрларни ўргатиш лозим.

МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ

1. Мактабдаги таълимдан кўзланган мақсадлар

Мактабдаги таълимдан асосан учта мақсад кўзланади, улар қуидагилар:

1. Ақлияси ва нафсијаси баркамол мусулмон шахсни тарбиялаб вояга етказиш. Бу иш мактабдаги таълим босқичи тугалланиши билан тамомига этиши керак;

2. Ўқувчига ўз атрофидаги нарсалар, турли асбоб-ускуналар, ихтиrolар, соҳалардан фойдалана олиши учун, масалан электр асбоблари, электрон аппаратлар, дехқончилик қуроллари, саноат асбоблари ва бошқалардан фойдалана олиши учун зарур бўлган билимларни бериш ва малака ҳосил қилдириш;

3. Ўқувчига бирламчи зарурий билимларни бериш билан уни олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш. Улар араб тили, фиқх, тафсир ва ҳадис каби сақофиј фанлар бўладими ёки математика, химия, физика каби аниқ фанлар бўладими, фарқи йўқ.

2. Мактабдаги таълимнинг босқичлари

Таълимни босқичларга ажратишда, ўқувчиларнинг гўдак ёки вояга етганлигини ҳар бир босқичда ҳисобга олиш, мутасадди раҳбар, муаллим ва мураббийнинг гўдаклар ва вояга етганлар билан қандай муносабатда бўлиши хусусидаги шаръий далилларга ва бу далиллар далолат қилган ҳукмларга мурожаат қилиш лозим. Зоро, Исломда инсоннинг бошқалар билан бўладиган муносабатини тартибга солишининг оламлар Парвардигори, тадбир билан яратган зот тарафидан келган ўзига хос ҳукмлари бўлиб, уларга амал қилиш буюрилган.

Бу мавзуга алоқадор далиллар кўп. Оллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيَسْتَأْذِنُكُمُ الَّذِينَ مَلَكْتُمْ أَيْمَانَكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَلْعُغُوا الْحُلْمَ
مِنْكُمْ ثَلَثٌ مَرَّاتٌ

– „Эй мўминлар, қўйл остингиздаги (қул ва чўриларингиз) ҳамда ўзларингизнинг балогатга етмаган (болаларингиз) уч вақтда (ҳузурингизга кириш учун) сизлардан изн сўрасинлар“. [24:58]

Яна айтади:

وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمُ الْحُلْمَ فَلِيَسْتَأْذِنُوا كَمَا اسْتَأْذَنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ

– „Качон гўдакларингиз балогатга етсалар, бас, улар ҳам худди улардан илгари (балогатга етганлар) каби изн сўрасинлар!“[24:59]

Пайғамбар ﷺ айтадилар: «**Уч кишидан қалам кўтарилиган: ақлини йўқотган жиннидан то ўзига келгунига қадар, уйқудаги одамдан то уйғонгунига қадар, гўдакдан то вояга етгунига қадар**». Бу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган. Пайғамбар ﷺ: «**Эй Асмо, аёл киши ҳайз кўриш ёшига етгач, унинг фақат мана бу ери ва мана бу ери кўриниши мумкин, холос**», деб кафтлари билан юзларига ишора қилганлар. Бу ҳадисни ҳам Абу Довуд ўз «Сунан»ида ривоят қилган. Атийя Қурозий шундай дейди: «Курайза кунида Пайғамбар ﷺга рўбарў қилиндик. Ким вояга етган бўлса, ўлдирилди. Ким вояга етмаган бўлса, қўйиб юборилди. Мен вояга етмаганлардан бўлганим учун қўйиб юборилдим». Буни Термизий ўз «Сунан»ида ривоят қилган. **«Пайғамбар ﷺнинг Саъдни Бану Қурайзага ҳакам қилиб тайинлаганларида уларнинг эркаклик жойини очиб қўйганлари**», ривоят қилинган. Усмон ﷺнинг олдиларига ўғирлик қилган бир бола олиб келинди. Шунда у киши: **«Эркаклик жойига қарангиз»**, дедилар. **«Қарашса, ҳали вояга етмаган экан, қўли кесилмади»**. Саҳобалардан биронтаси буни инкор қилгани йўқ. Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: **«Болаларингиз етти ёшга етгач, уларни намозга буюринглар. Ўн ёшга етганида (намоз ўқимагани учун) уринглар ва уларнинг ётиш жойларини бопшқа-бопшқа қилинглар»**. Бу ҳадисни имом Аҳмад ўз «Муснад»ида ривоят қилган.

Бу далиллардан кўриниб турибидики, вояга яъни балогат ёшига етгач, норасидалик якун топади. Ислом гўдаклик билан вояга етганликни ажратиб берувчи ҳис этиладиган фарқларни белгилаб қўйган. Улар - эркакларда қўлтиқ остига юнг чиқиши ёки эхтилом бўлиш, аёлларда эса ҳайз кўриш ёки ҳомиладор бўлишdir. Далиллар шуни ҳам англатмоқдаки, вояга етганлардан вояга етмасларидан олдин талаб қилинмаган ҳукмлар талаб қилинади.

Пайғамбар ﷺ айтадилар: **«Болаларингиз етти ёшга етгач, уларни намозга буюринглар. Ўн ёшга етганида (намоз ўқимагани учун) уринглар»**. Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида ривоят қилган бу ҳадис гўдакка одоб бериш икки босқичга бўлинишига далолат қиляпти: Биринчи босқич боланинг ўн ёшдан аввалги холати бўлиб, бу вақтларда одоб бериш учун улар урилмайди. Чунки ҳали бу ёшда намозга буюриш, лекин урмаслик

таъкидланяпти. Намозгаки урилмаганидан кейин бошқасига урилмаслиги ўз-ўзидан аён. Демак, бу пайтда урилмасдан, қизиқтириш ва огоҳлантириш услублари билан чекланилади. Иккинчи босқич үн ёшдан то вояга етгунига қадар одоб бериш учун керак бўлиб қолса урилади ҳам. Вояга етмай туриб унга шаръий ҳадлар ва жазолар татбиқ этилмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ: «**Уч кишидан қалам кўтарилиган: гўдакдан то вояга етгунига қадар, уйқудаги одамдан то уйғонгунига қадар, жиннидан то тузалгунига қадар**», деганлар. Бу ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган. Ундаги «қалам кўтарилиган» деган сўзнинг маъноси вазифа-мажбурият юклатилмаган, демакдир. Гўдаклар вояга етгач, шаръян мукаллафга айланадилар. Агар бирор жиноят ёки ҳаром ишни қилиб қўйсалар, қозиликнинг буйруғи билан жазоланадилар. Бу эса вояга етган ўқувчилар мактаблари ва олий ўқув юртларида қозилар бўлишини тақозо этади.

Гўдак ва вояга етганларнинг хукмлари мана шу. Таълимни босқичларга ажратишда уларга риоя қилиш лозим. Чунки тарбия ва одоб бериш таълимнинг ажралмас қисмидир. Демак, биринчи мактаб босқичи боланинг мактабга кирганидан то ўн ёшга етгунига қадар чўзилади. Иккинчи мактаб босқичи ўн ёшидан то вояга етгунига қадар бўлади. Бу иш иқлими мўътадил давлатларда кўпроқ ўн беш ёшларда юз беради. Учинчи мактаб босқичи эса боланинг ўн беш ёшдан то мактабни тамомлагунига қадар давом этади.

Шу далиллар ва хукмларга асосан Халифалик давлатида мактабдаги таълим мактаб белгилаган ўқув дарсларига қараб эмас, ўқувчиларнинг ёшларига қараб босқичларга бўлинади. Демак, мактаблар қуийдаги жадвалда кўрсатилганидек, уч турга ажратилади:

Мактаб	Ёшга қараб бўлиниш
Биринчи босқич мактаби (бошлангич)	Олти ёшга тўлганидан ўн ёшга тўлгунича
Иккинчи босқич мактаби (ўрта)	Ўн ёшга тўлганидан ўн тўрт ёшга тўлгунига қадар
Учинчи босқич мактаби (якуний)	Ўн тўрт ёшга тўлганидан мактабни тамомлагунига қадар

Ўқувчи ўн ёшга тўлгач, ўзлаштирган билими даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, иккинчи босқич мактабига ўтказилади. Балогат ёшига етгач эса, билим савиёси етарли ёки етарли эмаслигидан қатъий назар, учинчи босқич мактабига (вояга

етганлар мактабига) ўтказилади. Энди ўқувчиларни ёшларига қараб мактабларга тақсимлашга илова тарзида давлат мактабларидағи таълим тизимидә амал қилинадиган дарс даврлари низомини баён қиласыз.

Олти ёшгача бўлган таълим (она бағри ва болалар боғчалари) одамларнинг ўзларига қўйиб берилади. Кимки шу мақсаддан хусусий мактаб очмоқчи бўлса, бунга ҳаққи бор. Фақат бу таълимнинг ўқув дарслари ва халифа тарафидан қабул қилинган таълим сиёсатига риоя этиш жиҳатларини давлат назорат қилиб туради.

3. Мактаб палла (чорак)лари

Мактаб босқичлари 36 палладан ташкил топади. Ҳар бир палланинг муддати 83 кун. Ҳар бир палла учун муайян дарс соатлари белгиланади. Ўқувчи мактаб босқичларини биринчи палладан бошлайди. Қайси палладан муваффақиятли ўтса, кейинги паллага кўтарилади. То мактабни битиргунига, яъни 36 палладан муваффақиятли ўтгунига қадар шундай бўлиб бораверади. Ҳижрий йил теппа-тeng тўрт паллага бўлинади. Ҳар бир палланинг орасини уч кунлик дам олиш ажратиб туради.

Қуийдаги жадвалда ҳар бир палланинг бошланиши ва ниҳояси ҳамда уларни ажратиб турувчи дам олиши (таътил) пайтлари кўрсатилган:

Палла	Бошланиши	Тугаши
Биринчи палла	1 муҳаррам	25 рабиул-аввал
Дам олиш	25-26-27 рабиул-аввал	
Иккинчи палла	28 рабиул-аввал	22 жумодус-соний
Дам олиш	22-23-24 жумодус-соний	
Учинчи палла	25 жумодус-соний	20 рамазон
Дам олиш	20-21-22 рамазон	
Тўртинчи палла	23 рамазон	27 зулхижжа
Дам олиш	Рўза ҳайитида - 1-3 шаввол, Қурбон ҳайитида - 8-15 зулхижжа кунлари	

Бола мактабга ҳижрий ҳисоб билан олти ёшга тўлганида киради. Шунга кўра, давлат мактаблари йилнинг тўрт палласидан ҳар бирида, яъни тахминан ҳар уч ойда янги ўқувчиларни қабул қиласы. Шунда бола олти ёшга тўлиши билан мумкин қадар тезроқ мактабга кириш имконига эга бўлади.

Ўқувчи кетма-кет уч палла ўқиганидан кейин бир палла дам олиш ҳуқуқига эга бўлади. Дам олмасдан ўқишини давом

эттириши ҳам мумкин. Демак, низом тиришқоқ болага - дам олишсиз ўқийдиган бўлса, шерикларидан эртароқ мактабни тамомлаш имконини беради. Бу имкон унинг дам олмасдан ёки озроқ дам олиб, дарсларни қандай ўзлаштираётганлигини ва дарс давраларидағи муваффақиятини кузатиб бориш билан берилади. Дарс бериладиган давранинг муддати бир йил эмас, 83 кундан иборат бўлиб, ҳар бир давранинг ўз программаси ва ўз ўқувчилари бўлади.

Агар ўқувчи ҳеч бир дам олишсиз, ҳамма мактаб паллаларидан муваффақият билан ўтса, мактабни тўққиз йилда ($36:4=9$) тамомлаши мумкин. Бу пайтда у эндиғина ўн беш ёшга тўлган бўлади. Агар 36 паллани ҳар уч палла ўтгач, тўртинчи палласида дам олиш билан ҳар палладан муваффақиятли ўтиб ўқиса, мактабни 12 йилда ($36:3=12$) тамомлайди. Бу пайтда унинг ёши 18да бўлади.

Айрим ўқувчиларга мактабнинг учала босқичини тамомлашлари учун ўн саккиз ёшларидан кейин ҳам яна бир ёки икки йил керак бўлади. 20 ёшга етиб ҳам мактаб босқичларининг умумий имтиҳонларидан ўта олмасалар, программа асосидаги ўқишдан озод этиладилар. Улар хоҳласалар, ҳунар-техника билим юртларига кирадилар, хоҳласалар умумий имтиҳонни қайта топширадилар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтсаларгина олий ўқув юртларига киришлари мумкин бўлади.

Мактаб паллалари низоми ўқувчиларнинг алоҳида қобилияtlарини эътиборга олишдан ташқари, илм олиш вақтининг аҳамиятлилигини ҳам назардан қочирмайди.

Китобнинг охиридаги илова тарзида берилган жадвалда 36 палланинг ёшга оид гурӯҳларга тақсимланиши, шунингдек, мактабни тамомлаган пайтда ўқувчиларнинг энг ками неча ёшда бўлишлари-ю энг кўпи билан неча ёшда бўлишлари кўрсатилган.

Кичик-кичик қишлоқларда паллалар низомини татбиқ этиш учун улар ўртасида мактаб бирлашмаси - «умумий мактаб» ташкил этилади. Ўқувчилар мактабга бориш ва уйга қайтишлари учун транспорт воситалари билан таъминланадилар.

4. Ўқув дарслари

4-1. Ўқув дарсларининг пойдевори.

Исломий ақида мусулмон ҳаётининг пойдеворидир. Халифалик давлатининг асоси ҳам шу ақидадир. Давлатнинг тузилишими, жиҳозларими, ишларими, бошқаларими - ҳамма-ҳаммасида Исломий ақида асос бўлиши шарт.

Шундан келиб чиқиб, Халифалик давлатида ўқувчига бериладиган ҳар қандай таълимнинг асосини Исломий ақида ташкил этади. Бу билимлар ақидавий фикрлар ва шаръий ҳукмлар каби Исломий ақидадан келиб чиқадими, тарих ва бошқа фанлар каби Исломий ақидага асосланган бўладими, фарқи йўқ. Исломий ақидага асосланган дейишимизнинг маъноси Исломий ақида шу билимларга миқёс бўлишидир. Нимаики Исломий ақидага зид бўлса, мусулмон уни қабул қилмайди ва унга эътиқод қилмайди. Зид бўлмаса, уни олиши жоиз бўлади. Эътиқодда ҳам, амалда ҳам мусулмон ўлчовининг ягона асоси Исломий ақидадир. Қабул қилиш ва рад этишдаги ўлчов ҳам ўшадир. Исломий ақида ва ундан келиб чиқадиган фикрларга зид бўлган бошқа ақидалар ва билимларни ўрганишга тўсқинлик қилинмайди. Фақат бундан мақсад уларнинг ноҳақлигини кўрсатиб бериш ҳамда уларга нисбатан шаръий мавқени белгилаш бўлиши лозим.

4·2. Ўқув дарсларининг турлари.

Ўқув дарслари фақат икки турли бўлади: биринчи турга химия, физика, астрономия, математика ва бошқа аниқ фанлардан иборат илмий билимлар киради. Бу билимлар тафаккурни бойитиш учун зарур бўлиб, инсон шу билимлар ёрдамида сўзлар, ишлар ва нарсаларнинг моҳияти, хусусиятлари ва инсон фитратига тўғри келиши ёки келмаслиги тўғрисида хулоса чиқара олади. Бу билимларнинг Исломий шахсиятни пайдо қилишга бевосита алоқаси йўқдир. Бу билимлар мусулмон шахсни тарбиялаб вояга етказишга бевосита алоқадор эмас. Иккинчи турга эса гаплар, ишлар ва нарсалар устидан вожиб, мандуб, мубоҳ, макруҳ, ҳаром каби таклифий шаръий ҳукм чиқаришни ёки сабаб, шарт, моне, рухсат, азимат, саҳиҳ, ботил, фосид каби вазъий шаръий ҳукм чиқаришни ўргатадиган шаръий билимлар киради. Бу билимлар Исломий ақлияни ҳосил қилади. Агар бу шаръий ҳукмларга мусулмоннинг ўз гаризалари ва узвий эҳтиёжларини қондириши жараёнida нарсалар, ишлар ва гапларга нисбатан мойил бўлиш ёки бўлмаслик, қабул қилиш ёки қилмаслик каби шаръий мавқени эгаллаш мақсадини ҳам қўшадиган бўлсак, Исломий нафсия юзага келади. Исломий ақлия ва Исломий нафсиядан эса ўз фикрлари ва майл-истакларига Исломий ақидани асос қилиб оладиган Исломий шахсия (мусулмон шахс) ҳосил бўлади.

Ислом мусулмондан коинот, инсон ва ҳаётнинг яратилиши хусусида фикр юритишни талаб қилганидек, ўзининг хуласалари, ишлари ва майлларида шаръий ҳукмларга амал қилишни ҳам талаб қилади. Оллоҳ Таоло тафаккурга буюриб айтади:

وَيَتَعَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

- „Осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қиладилар“, [3:191]

أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبْلِ كَيْفَ خُلِقَتْ

- „Ахир улар туяниң қандай яратилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?“, [88:17]

كَذَلِكَ يُحْسِنُ اللَّهُ الْمَوْتَىٰ وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ

- „Оллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга фикр қилишингиз учун ўз оятларини кўрсатади“. [2:73]

Оллоҳ Таоло амалга буюриб айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكُمْ فِيمَا شَحَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَحًا
مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

- „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган хукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўёла олмайдилар“, [4:65]

وَمَا أَئَتَكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتَّهُوا

- „Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“, [59:7]

لَا تَشَنُّدُوا آبَاءَكُمْ وَإِخْوَانَكُمْ أَوْلَيَاءَ إِنْ اسْتَحْبُوا الْكُفْرَ عَلَى الْإِيمَانِ

- „Агар иймондан куфрни афзал билсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз!“, [9:23]

وَقُلْ أَعْمَلُوا فَسَيَرِي اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ وَسَرُّدُونَ إِلَى عَالِمِ الْغَيْبِ
وَالشَّهَادَةِ فَيُبَيِّنُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

- „Айтиңг: «(Хоҳлаган) амални қилинглар. Бас, Оллоҳ, Унинг пайғамибари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар ва яқинда гайбу шаҳодатни (яъни, яширин ва ошкор нарсаларнинг барчасини) билгувчи зотга қайтарилурсизлар. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур»“. [9:105]

Мактаб усули фиқҳ, тил ва тафсир фанлари бўйича мумтоз мусулмон шахсларнинг тарбияланиб вояга етишида илк маскан бўлганидек, ядро физикаси, космонавтика ва компьютер (информацион технология) фанлари бўйича ҳам мумтоз мусулмон

шахсларнинг тарбияланиб вояга етишида илк маскан бўлмоғи лозим. Зеро сиёсат, ҳокимият, жиҳод бобида Абу Бакр, Холид, Салоҳиддин каби моҳир қўмондонларни етиштириб берган Ислом уммати фиқҳ ва илм бобида Шофеъий, Бухорий, Хоразмий, ибн Ҳайсам каби етуқ алломаларни ҳам тарбиялаб вояга етказган. Мактабдаги қайси фан бўлмасин, уни ўргатишдан мақсад ўқувчини мусулмон шахс қилиб етиштириш ҳамда уни амалий ҳаётга ва олий таълимга тайёрлашдир. Токи керакли даражада мумтоз шахслар етишиб чиқиб, Ислом умматининг фикрий ва илмий савиғи юксалсин, у оламни бошқаришга яроқли бўлсин, ҳамма одамларни куфр зулматларидан Ислом нурига, тўқима қонунлар зулмидан шаръий ҳукмлар адолатига олиб чиқсин, Оллоҳ Таолонинг:

وَأَبْتَغُ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةِ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا

– „Ва Оллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират (ободлигини) истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин“, [28:77]

деган оятига амал қилиб, осмонлару ердаги барча нарсаларни Оллоҳ рози бўладиган тарзда инсоннинг манфаатига, фаровонлигига хизмат қилдирсан.

4-3. Уч босқичли мактаблардаги ўқув дарслари турлари.

1. Араб тили. Ўқиш, ёзиш, наҳв, сарф, балофат илми, адабий матнлар, луғат ва бошқалар;

2. Исломий сақофат. Қуръони Карим, ақида, фиқҳ, суннат, тафсир, сийрат, фиқхус-сийрат, Ислом тарихи, даъват фикрлари ва бошқалар;

3. Аниқ фанлар, билимлар, малакалар. Математика, физика, химия, компютер (информацион технология), зироат, саноат, тижорат, ҳарбий машқ ва бошқалар.

4-3-1. Араб тили.

Араб тилини ўрганиш ҳар бир мусулмонга шаръан вожибdir. Чунки у Ислом ва Қуръон тилидир. У Қуръон мӯъжизалигининг ажралмас қисмидир. Қуръоннинг Қуръон бўлиши у биландир. Биз шу тилда ибодат қиласиз. Усиз ижтиҳод ҳам қилиб бўлмайди. Чунки шаръий ҳужжатлар Оллоҳ тарафидан шу тилда келган. Шунга кўра, Халифалик давлатининг тили фақат араб тили бўлиши фарз. Халифалик давлатида таълим тили ҳам фақат араб тили бўлиши лозим. Уни ўрганишнинг вожиблиги «Вожиб нима билан адо бўлса, ўша иш ҳам вожибdir», деган шаръий қоидадан олинган. Шундай экан, мактаблар ва олий ўқув юртларида араб

тилини пухта ўрганишга эътибор бериш вожиб. Зеро, у аниқ фанларни ёки сақофий фанларни ўрганиш манбаидир. Уни пухта ўрганиш учун самарали услублар ва муносиб воситаларни қўлламоқ лозим. Токи у давлатнинг барча фуқаролари учун мумомала тилига ва фикр манбаига айлансин.

Араб тилини ўргатишдан мақсад ўқувчида шу тилда гапириш, ёзиш, тушуниш ва ифодалаш иқтидорини, кейин эса унда бадиий завқ олишни пайдо қилишдир. Чунки бадиий завқланиш шаръий ва адабий матнларни тушунишга кўмаклашиши билан бирга ўқувчида шу тил борасида кўпроқ билимга эга бўлишга қизиқиш ўйғотади ва шу билан Қуръон ва Суннатни тушунишига ёрдам беради.

Бошқа тилларни ўрганиш эса фарзи кифоядир. Бу мақсадни юзага чиқариш, чет тиллари институтларини барпо қилиш каби давлатнинг вазифасидир. Бу институтлар давлатга умматнинг таржима ва бошқа ишларини бошқариш ҳамда даъватни ёйиш учун зарур бўлади.

4-3-2. Исломий сақофат.

a) Исломий ақида:

Исломий ақидани ўргатишда бутун эътибор ақиданинг асосий фикрларига, яъни ақида ёки аҳкомларга оид барча Исломий фикрлар келиб чиқадиган асосий фикрларга қаратилади. Исломий ақида Оллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Оллоҳ Таолодан эканлигига иймон келтирмоқдир.

Ақидага оид фикрлар ўқувчининг ёшига қараб даражамадаража бериб борилади. Дастреб ўқувчининг эътибори ўзини ўраб турган Оллоҳнинг ажойиб маҳлуқотларига қаратилади. Унинг беғубор ақли бу маҳорат хусусида тафаккур қилишга жалб этилади. Шу билан у ҳамма нарсани бошқариб турган Яратувчининг борлигини топиб олади. Оллоҳ инсонга бўйсундириб берган неъматлар хусусида фикр юритиб, улардан мақсад тоат-ибодат билан Оллоҳга шукр қилиб, ҳамд айтиш эканини англайди. Кейинги босқичларда ақида фикрларига оид қатъий ҳужжатлар, бу ҳужжатларнинг ақлийси ҳам, нақлийси ҳам баён қилиб борилади. Яъни Оллоҳнинг борлиги, Мұхаммад ~~нинг~~ пайғамбарлиги, Қуръоннинг Оллоҳ тарафидан нозил қилингандигига оид ақлий ҳужжатлар ва фаришталарнинг мавжудлиги, қиёмат кунининг ҳақлигига оид нақлий ҳужжатлар баён қилиб борилади. Сўнгра эътибор қазо ва қадар ақидасига тааллуқли фикрга ва бу ақидага иймон келтириш мусулмоннинг

амалларига, масалан ишлар сабабларига киришиш каби амалларига таъсир қилишига қаратилади. Кейин Оллоҳга таваккул қилиш, ажал ва ризқ Оллоҳ қўлида экани каби ақидага оид бошқа фикрлар тушунтирилади.

б) Куръони Карим ва унинг илмлари:

• Ёдлаш ва тиловат қилиш: Мактаб балогат ёшидан аввалги фурсатни ғанимат билиб, ўқувчиларга мумкин қадар кўпроқ Куръон ёдлатиши лозим. Айниқса ёдлаш қобилияти мумтоз бўлган ўқувчиларни мактабнинг Қуръон ёдлатиш бўлимига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтда Қуръоннинг тажвид билан тиловат қилиниши учун ҳам алоҳида машҳулар ўтказилиши керак.

• Тафсир: Ўқувчиларга аста-секин Қуръоннинг маънолари тушунтириб борилади. Дастлаб умумий маънони айтиш, тушунилиши оғир сўзларни шарҳлаш, намоз ва таҳорат каби ўқувчилар учун зарур бўлган аҳкомларни шу аҳкомларга далолат қилувчи оятлар билан боғлаб тушунтириш билан чекланилади. Кейинги босқичларда эса тафсирга ва у ўз ичига олган ақидалар, шаръий амалий ҳукмлар, сабаби нузуллар ва насхларга ўтилади.

в) Суннати Набавийя:

Ўқувчига мактабга киришидан бошлаб суннати Набавийя ўқитилади. Бунда ёдлатиш ва тушунтириш услуги қўлланилади. Бошланишида гўдакнинг зеҳни кўтара оладиган, ёдланиши ва тушуниши енгил бўлган **«Ислом беш асосга қурилган...»**, **«Мусулмон мусулмоннинг биродари...»** каби ҳадислар танлаб олинади. Сўнгра ўқувчига аста-секин ҳадислар ёдлатиб борилади ҳамда бу ҳадислар ва улар нима муносабат билан айтилганлиги тушунтириб берилади. Бунинг учун ўқувчининг ёшига мос шаръий ҳукмларга алоқадор ҳадислар танланади. Етти ёшли ўқувчига Пайғамбар Ҳининг: **«Болаларингизни етти ёшда намозга буюринглар...»** ҳадиси ёдлатилса, вояга етган ўқувчига у зотнинг: **«Қалам уч кишидан кўтарилигандир: гўдакдан то вояга етгунига қадар...»** ҳамда **«Эй Асмо, аёл киши ҳайз қўриш ёшига етгач...»** ҳадислари ёдлатилади. Бошланғич мактаб босқичларида ўқувчиларга суннати Набавийянни ўргатиш жараёнида ҳадисларнинг муносабатларига боғлаб ҳамда ҳадислар улардан чиқариб олинган шаръий ҳукмларга боғлаб тушунтирилади.

г) Фиқҳ:

Фиқҳ Қуръон ва суннатдан олинган шаръий ҳужжатлар асосида ўргатилади. Ўқувчининг ёшига қараб унга зарур бўлган шаръий ҳукмлар ўқитилади. Чунки фиқҳнинг маъноси тафсилий

далиллардан чиқариб олинган шаръий-амалий ҳукмларни билиш, демакдир. Ёш болаларга намоз, рўза, ота-она ва бошқа одамлар билан муомала қилиш одоблари каби ҳукмлар ўқитилса, вояга етган ўқувчиларга уларга зарур бўлган гусл, жунуб, ҳайз, нифос ҳукмлари ўргатилади. Ахлоқ, садоқат, ҳалоллик, ҳақни айтишга журъат каби хислатларга алоқадор ҳукмларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Кейин жиҳод, унинг ҳукмлари, амирлик, унинг ҳукмлари сингари фиқҳни умумий тарзда ўргатишга ўтилади. Шу билан бирга «Зарар бериш ва заرارга зарар билан жавоб бериш йўқ», «Шубҳалар туғилганда ҳадлар қўлланмайди» ва «Вожиб нима билан адо бўлса, ўша нарса ҳам вожибдир» каби баъзи фиқҳий қоидалар ҳам ўқитилади.

д) Сийрати Набавийя:

Болага мактабга кирганидан бошлаб сийрати Набавийя ўқитилади ва уни ўқитиш аста-секин кенгайтириб борилади. Мактабнинг биринчи палласида Пайғамбар ﷺнинг бутун ҳаётлари - тавалуд топғанларидан вафот этгунларига қадар қисқача ўргатилади. Бу билим ўқувчининг ёшига қараб қайтадан чуқурлаштириб борилади. Сийрати Набавийянинг нозик нуқталари, фиқҳга оид ўринлари, ундан чиқариб олинган ҳукмлар ўқувчи мактабнинг уч босқичини тамомлагунига қадар тўла ўқитилиши лозим. Унинг даъватни кўтариб чиқиш, давлат барпо қилиш ва Исломни ёйиш хусусидаги ҳукмларига алоҳида эътибор қаратилади.

е) Мусулмонлар тарихи:

Худди сийрат ва фиқҳда бўлганидек, бунда ҳам ўқувчининг ёшига эътибор берилади. Саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги ҳокимлар ва олимлар каби мусулмон шахсларнинг эътиборга молик журъатли мавқеларини ўқитишга алоҳида аҳамият берилади. Абу Бакр ﷺнинг Пайғамбар ﷺни ҳимоя қилганларни ва муртадлар жангидаги тутган ўринлари, Умар ﷺнинг ҳижратга нисбатан тутган ўринлари, Усмон ﷺнинг саховатлари, Алий ﷺнинг шижаотлари, Билол ﷺнинг сабр-бардошлари, Умар ибн Абдул-Азизнинг адолатлари, Мўътасим Биллоҳнинг жасоратлари, Салоҳиддиннинг жанглари, Султон Абдул-Ҳамид II-нинг Фаластинни сақлаб қолишда тутган ўрни, қози Шурайхнинг одиллиги, Шофеъийнинг фақиҳлиги, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг журъати, Холид ибн Валиднинг итоаткорлиги каби мисоллар орқали ўқувчиларнинг онгига ҳаёт ҳақидаги исломий тушунчалар сингдириб борилади.

Бошқа уммат ва халқларнинг тарихи эса мактабнинг учинчи босқичида ибрат ва насиҳат учун ўргатилади. Олий ўқув юртларининг айрим кулиётларида ҳам улар билан муомала қилиш ҳамда Исломий даъватни ёйиш мақсадида уларнинг тафаккурлари билан танишиш учун ўқитилади.

4-3-3. Фанлар, билимлар, малакалар::

Бу билимлар ҳаёт ҳақидаги нұқтаи назарга бевосита алоқадор бўлмайди, Исломий ақидадан келиб чиқмайди, балки улар ақидага асосланган бўлади, холос. Ўқувчини амалий ҳаёт майдонига қадам қўйишга тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва малакалар шу билимлар жумласига киради. Энг аввало ўқувчиларга ўзлари яшаётган муҳит билан муомала юрита олишлари учун ҳисоб-китоб ва одамлар ҳаётда ишлатадиган асбоб-ускуналар ҳақидаги умумий билимлар каби зарурий илмлар ўргатилади. Электр асбоблар, электрон аппаратуралар, уй-рўзгор буюмлари, йўл қоидалари ана шу билимлар жумласига киради. Бу билимларни беришда ўқувчилар яшаётган жой ва муҳит ҳисобга олинади, яъни бу жойда саноат ривожланганми ёки қишлоқ хўжалигими ёки тижорат ривожланганми, бу жой тоғлиқми ёки паст-текисликми ёки дengiz соҳилида жойлашганми, иссиқми ёки совуқми, шу нарсалар ҳисобга олинади. Бу билимларни ўн ёшгача беришдан кўзланган ғоя ўқувчиларда ўз атрофларидағи нарсаларни ўзларининг ёшлари ва эҳтиёжларига қараб ишлата олиш ва улардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилишдир.

Ўн ёшдан кейин эса математика, физика, химия, биология ҳамда сузиш, сакраш, мерганлик каби жисмоний тарбия дарслари ўргатилади. Балоғат ёшига етгач, армия назорати остида ҳарбий чиниқиши машқлари ҳам ўтказилади.

5. Ўқув бўлимлари (ўқув соатлари)

Мактабда ўқитиладиган ҳар бир дарс ўқув бўлимларига ажратилади. Ҳар бир бўлим дарслернинг маълум қисмини ўз ичига олиб, уни узоги билан 83 кунда, яъни бир паллада ўқитиши мумкин бўлади. Ҳар бир дарснинг мутахассислари мактабнинг ҳар бир босқичи ва ҳар бир палласида қанча миқдорда дарс ўтилиши лозимлигини белгилаб берадилар. Шунингдек, улар ўқувчиларнинг ёшлари ва қобилиятларига қараб дарсни бўлимларга ажратиб ҳам берадилар. Ўқув бўлимлари даражама-даражага тартибланиб, бутун дарс мактабнинг учала босқичида ҳам дарс ўтилишига етадиган қилиб тақсимланади. Бу тартибланиш математика каби аниқ фанларда бўлганидек оддийдан мураккабга

қараб бориши ҳам, сийрати Набавийя ва Ислом тарихи дарсларида бўлганидек умумийликдан хусусийликка тафсилотларга ўтилиши ҳам мумкин. Масалан, математикада бу бўлимлар санашдан бошланиб, қўшиш ва айириш амалларига, кейин кўпайтириш ва бўлишларга, сўнг касрали сонларга, тенгламаларга қараб берилаверади. Бошланғич босқичларда ўқувчи интеграл ва дифференциал ҳисоблаш ҳамда олий математика асослари билан ҳам таништириб ўтилади. Шундай қилиб, математика мактаб босқичида ўқитилиши белгиланган программа асосида тўла ўтилади. Муайян ўқув дарси учун программа тузувчилар дарснинг ўқувчи ёшига тўғри келишини ҳисобга олишлари лозим. Ўқитилиши назарда тутилган дарсни ҳамма босқичда кўпи билан 36 қисмга бўлишлари керак. Ҳар бир бўлим программалари бир китоб қилиниб, унга ўқитиладиган мактаб палласининг рақами берилиши керак. Физика ва унга ўхшаш фанлар каби кейинги паллалардан бошлаб ўқитиладиган дарсларнинг ўқув бўлимлари ўттиз олтитадан кам бўлиши ҳам мумкин. Масалан, илмий қисмдаги химия дарси ўн иккита ўқув бўлимидан таркиб топиб, ўқувчи уни йигирма бешинчи палладан ўттиз олтинчи паллага қадар ўрганиши мумкин. Умумий билимлар дарси ҳам ўн икки ўқув бўлимидан таркиб топиб, ўқувчи уларни ўн учинчи палладан йигирма тўртинчи паллага қадар ўқиб тугатиши мумкин.

Китобда ўқитиладиган палла нашри ҳам, бўлим рақами ҳам кўрсатиб қўйилади. Масалан, ўқувчи йигирма бешинчи паллада математиканинг йигирма бешинчи бўлимини ўқийдиган бўлса, китобга $25/25$ рақами, шу паллада қоидаларнинг ўн учинчи бўлимини ўқийдиган бўлса, китобга $13/25$ рақами, умумий бўлиmlарнинг ўн иккинчи бўлимини ўқийдиган бўлса, $12/25$ рақами, балоғат фанининг олтинчи бўлимини ўқийдиган бўлса, $6/25$ рақами қўйилади ва ҳоказо.

6. Давлат мактаблари ва ўқув паллалари низоми

Ўқувчиларнинг ёшларига қараб муомала қилиш жиҳатидан таълим-тарбияга оид шаръий ҳукмларга амал қилиш учун давлатдаги мактабларни ўқув паллалари асосида эмас, ўқувчиларнинг ёшларига қараб тақсимлаш лозим бўлади. Шунга кўра, мактаблар мана шундай ёшга оид гурухларга қараб қўйидаги жадвалда кўрсатилганидек уч турга бўлинади.

Мактаб	Ёшга қараб бўлиниш	Мактаб паллалари
Биринчи (бошлиғиҷ)	Олти ёшдан ўн ёшгача	1-16
Иккинчи (ўрта)	Ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача	13-32
Учинчи (якуний)	Ўн тўрт ёшдан мактабни тутатгунча	25-36

Мактаб фақат белгиланган паллалар билангида хосланмайди. Балки аввалги босқич мактаблари билан ҳам, кейинги босқич мактаблари билан ҳам бир неча паллаларда муштарак бўлиб кетаверади. Масалан, биринчи босқич мактаби ўн ёшдан қўйидаги болаларни ўқитишга ихтисослашган. Оддий ўқувчи ўн ёшга етганида мактаб палларидан ўн иккитасини якунлайди (йилига уч палладан $4 \times 3 = 12$), тиришқоқ ўқувчи эса бу пайтда 16 паллани тамомлайди (йилига тўрт палладан $4 \times 4 = 16$). Шунга кўра, биринчи ва иккинчи босқич мактаблари ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчиларни ўқитишда муштарак бўладилар. Масалан, йигирма еттинчи паллани ўн беш ёшда тамомлаган ўқувчи ($27:3+6=15$) йигирма саккизинчи паллани учинчи (якуний) босқич мактабида ўқиши керак бўлади. Чунки у ўн беш ёшга, яъни балофат ёшига етган бўлади. Бошқа бир ўқувчи худди шу паллалрни ўн уч ёшда тутатса ($27:4+6=13$), иккинчи (вояга етмаганлар) босқич мактабига қўйилади. Ўқувчиларнинг эртароқ вояга етиб қолиши каби истисно ҳолатларига ҳам риоя қилинади.

7. Ўқув дарслари ва босқичлари

Айтиб ўтганимиздек, мактабдаги таълим ўттиз олти паллага бўлинниб, бу паллалар ўқувчиларнинг ёшига қараб уч асосий босқичга ажратилади. Бундан мақсад шу ишларга алоқадор шаръий ҳукмларга амал қилишдир. Энди ўқув дарсларига келадиган бўлсак, ҳар бир босқичнинг ўзига хос ўқув дарслари бўлиб, ўзига хос бир палладан кейинги паллага ўтказиш ёки ўтказмаслик қонун-қоидалари ҳам бор. Ҳар бир босқичдаги ўқув дарслари икки қисмга бўлинади: Асосий дарслар ҳамда малака ошириш ва фаолиятни кучайтириш дарслари.

Мактабнинг биринчи босқичи:

Паллалар	Асосий дарслар	Малака ошириш
1-12	Исломий сақофат, араб тили, умумий билимлар, математика	Компьютер, ақлни чархловчи машқлар, бадан тарбия, расм, кутубхона

Биринчи мактаб босқичида мактабнинг дастлабки палласидан бошлаб ўқувчилар билан икки ўқитувчи шуғулланади. Уларнинг бири исломий сақофат ва араб тилидан дарс берса, иккинчиси математика ва бошқа фанлардан дарс беради. Малака ошириш ва фаолиятни кучайтириш билан эса ҳар иккиси ҳам шуғулланади. Бу босқичда ўқитувчи ўқувчилар билан камида уч палла қолгани мақсадга мувофиқроқ.

Малака ошириш дарсида болага фикрлаш ва мулоҳаза юритиш, иқтидорини ривожлантирадиган қисмлардан бирор нарса ясаш ёки бирор нарсани қисмларга ажратиш каби вазифалар топширилади. Бу вазифалар ва малакаларнинг паллада белгиланган асосий дарсларга алоқадор бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Мактабнинг иккинчи босқичи:

Паллалар	Асосий дарслар	Малака ошириш
13-24	Исломий сақофат ва исломий тарих, араб тили, математика фанлари, компьютер, умумий билимлар	Расм, зироат, саноат, бадан тарбия, кутубхона

Бу босқичдаги «умумий билимлар» химия, биология, физика ва география асосларини ўз ичига олади.

Учинчи мактаб босқичи:

Бу босқич 25-36 паллаларни ўз ичига олади. Унда 25-30 паллалардагина ҳамма ўқувчилар бир хил дарслардан сабоқ оладилар. Кейинги 31-36 паллаларда эса ўқувчилар қизиқишларига қараб соҳаларга бўлинадилар. Улар қўйидагилар:

- Сақофат соҳаси;
- Илмий соҳа;
- Саноат ёки техника соҳаси (компьютер (информацион технология), механика, электроника, алоқа, газ пайвандчилик, токарлик ва ҳоказо);
- Зироат соҳаси;
- Тижорат соҳаси;
- Ўй бекалик соҳаси (қизлар учун).

Қўйидаги жадвалда шу соҳаларда ўқитиладиган дарслар кўрсатилган:

	Паллалар	Асосий дарслар	Малака ошириш
1.	25 – 30 Ҳамма ўқувчи-лар	Исломий сақофат, араб тили, математика фанлари, компьютер, химия, биология, физика, география	Кутубхона, ҳарбий малака оширишлар, шу соҳадаги мутахассислар белгилаган машқлар ва географик минтақага мос нарсалар
2.	31 – 36	Исломий сақофат, араб	Ҳар хил тафаккур,

	Сақоғат соҳаси	тили, компютер, умумий математика, умумий билимлар	кутубхона, ҳарбий машқлар, шу соҳа мутахассислари белгилаб берган машқлар ва географик минтақага мос нарсалар
3.	31 – 36 Фан соҳаси	Исломий сақоғат, араб тили, компютер, математика фанлари, химия, биология, физика, география	Ҳар хил тафаккур турлари, кутубхона, ҳарбий машқлар, шу соҳа мутахассислари ва географик минтақага хос машқлар, илмий тадқиқот, ҳар бир дарсга хос тажриба лабораторияси
4.	31 – 36 Саноат соҳаси	Исломий сақоғат, араб тили, компютер, саноатга оид умумий математика, саноатга оид умумий билимлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган дарслар	Ҳар турдаги тафаккур, кутубхона, ҳарбий машқлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган машқлар ва географик минтақага мос нарсалар
5.	31 – 36 Зироат соҳаси	Исломий сақоғат, араб тили, компютер, зироатга оид умумий математика, зироатга оид умумий билимлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган дарслар	Ҳар турдаги тафаккур, кутубхона, ҳарбий машқлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган ва географик минтақага хос машқлар, лабароторияга ўхшаш экин экилган тажриба майдонлари, нихолхона
6.	31 – 36 Тижорат соҳаси	Исломий сақоғат, араб тили, компютер, тижоратга оид умумий математика, тижоратга оид умумий билимлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган дарслар	Ҳар турдаги тафаккур, кутубхона, ҳарбий машқлар, шу соҳа мутахассислари белгилаган ва географик минтақага хос машқлар
7.	31 – 36 Үй бекалик соҳаси	Исломий сақоғат (маҳсус), араб тили, компютер, умумий математика, умумий билимлар, ўйни ораста тутиш, бола боқиш, ижтимоий ҳаёт, шу соҳа мутахассислари белгилаган дарслар	Ҳар турдаги тафаккур, кутубхона, тикувчилик, соч турмаклаш, пазандачилик, ўйни ораста тутиш, шу соҳа мутахассисларининг ўй тутиш ва бола боқиш хусусида белгилаган машқлари

Учинчи мактаб босқичининг сақофат соҳасида ўқувчига исломий сақофат ва араб тили дарслари кенгайтириб ўқитилади. Мутахассислар фиқх, тафсир, ҳадис илмлари, тарих ва бошқа Исломий сақофатга оид дарсларни, шунингдек, наҳв, балогат, матншунослик каби араб тилига оид маҳсус программаларни белгилаб берадилар.

Илмий бўлмаган соҳаларда математик фанлар қисқа тарзда ўқитилади. Соҳага алоқадор мавзулар билан чекланилади. Масалан, тижорат соҳасидаги ўқувчига умуман ҳисоблаш, закот ва меросни ҳисоблаш, кирим ва чиқимни ҳисоблаш, бухгалтерия, пул жамғармаларини ҳисоблаш каби мавзулар ўқитилади. Саноат соҳасидаги ўқувчига чизмачилик, лойиҳалаш, майдонларни ўлчаш ва шу каби дарслар ўқитилади.

Умумий билимлар дарсида ғайри илмий соҳа ўқувчиларига инсоннинг жисми, касалликлар, умумий гигиена ҳамда инсонга хос ва унинг шароитига алоқадор илмий мавзулар ўқитилади. Зироат соҳасида ўсимликлар, уларнинг касалликлари ва даволаш усуллари, тупроқ, унинг турлари, ўғитлар, заарарли ҳашаротларни ўйқ қилиш воситалари кабилар ҳам қўшиб ўқитилади.

Саноат соҳасида ўқувчига моддалар, уларнинг (қуюқлашиши, массаси) каби хусусиятлари, шунингдек, ҳаракат ва механика қонуниятлари, хавфсизлик техникаси қоидалари ўргатилади.

Мутахассислар ҳар бир босқич ва ҳар бир соҳа ўқувчиларига керакли дарсларни белгилаб берадилар.

8. Давлат мактабларида палладан паллага ўтиш ва ўта олмаслик

8-1. Биринчи (бошланғич) босқич мактабларида палладан ўтиш ва ўтолмаслик.

Бир палладан иккинчисига ҳамда бир босқичдан кейинги босқичга ўтказиш ёки ўтказмаслик қонуллари турличадир. Масалан, биринчи босқичда ўқувчи ҳамма асосий дарсларни ўзлаштирган бўлиши шарт. Демак, ўқувчи мана шу босқичда барча асосий дарсликларни яхши ўзлаштиргасина кейинги даврага кўтарилади. Биргина асосий дарсни ўзлаштирмаса ҳам кейинги паллага ўтказилмасдан, шу паллани қайта ўқийди. Мисол учун яхши ўқиши ўрганмаган, Исломий сақофат дарсини етарлича ўзлаштирган, белгиланган ҳисоблаш амалларини уddeлай олмаган ўқувчи кейинги паллага ўтказилмайди.

Паллада қолдирилган ўқувчи кейинги даврада ўша ўзлаштирган олдинги даврани қайта ўқийди. У дам олишга

рухсат олиш учун яна кетма-кет уч палла ўқиши шарт. Биринчи (бошланғич) мактаб босқичи тугагунига қадар шундай давом этаверади. Агар ўқувчи ўн ёшга етиб ҳам иккинчи (ўрта) босқич мактабига ўта олмаса, унинг масаласини комиссия кўриб чиқади. Комиссия хulosасига қараб у ё иккинчи босқичга ўтказилади ёки ақли заифлар мактабига юборилади.

8-2. Иккинчи (ўрта) босқич мактабларида палладан паллага ўтказиш ёки ўтказмаслик.

Бу босқичда агар ўқувчи битта асосий дарсни ўзлаштира олмай қолса, кейинги паллага ўтказилаверади. Лекин мазкур дарс унинг зиммасида қолади. Кейинги палла имтиҳонларида қўшиб топширади. Ўқувчига қолиб кетган дарсини ўзлаштириб олиш учун етарли вақт берилади. Шунингдек, мактаб уни қўллаш учун қўшимча дарслар беради.

Агар ўқувчи икки асосий дарсни ўзлаштира олмай қолса, паллада қолдирилади. Аввалги палладан бир қарзи бўла туриб, яна бир асосий дарсни ўзлаштира олмаса ҳам паллада қолдирилади. Қолиб кетган дарсини ҳам, аввалги қарзини ҳам ўзлаштириб олганидан сўнггина кейинги паллага ўтказилади.

Иккинчи босқич паллаларидан бирида қолиб кетган ўқувчининг ҳам яна кетма-кет уч палла ўқимай туриб дам олишга ҳаққи йўқ. Иккинчи босқич мактаби тугагунига қадар шундай давом этаверади. Агар ўқувчи ўн беш ёшга тўлиб ҳам учинчи (якуний) босқичга ўта олмаса, унинг ишини комиссия кўриб чиқади. Комиссия хulosасига қараб у ё учинчи босқичга ўтказилади ёки ҳунар-техника билим юртларига юборилади.

8-3. Учинчи босқич мактабларида палладан паллага ўтиш ва ўтолмаслик.

Ўқувчи битта асосий дарсни ўзлаштира олмай қолса, кейинги паллага ўтказилаверади, лекин мазкур дарс унинг зиммасида қолади. Кейинги палладаги имтиҳонларга қўшиб топширади.

Агар ўқувчи иккита асосий дарсни ўзлаштира олмай қолса ёки зиммасида бир қарзи бўла туриб, яна бир асосий дарсдан орқада қолиб кетса, паллада қолдирилади. Қолиб кетган дарсини ҳам, аввалги қарзини ҳам топширганидан кейингина навбатдаги паллага ўтказилади.

Учинчи босқич паллаларидан бирида қолиб кетган ўқувчи яна уч палла ўқимай туриб дам олиш хуқуқига эга бўлмайди. Учинчи босқич мактаби тугагунига қадар шундай давом этаверади. Агар ўқувчи йигирма ёшга кириб ҳам учинчи босқични, яъни 36 паллани тамомлай олмаса, унга мактабда қолишга рухсат

этилмайди. Мактабдан ташқаридан мактаб босқичларининг умумий имтиҳонларини топшириши мумкин. Умумий имтиҳонсиз ҳам қабул қиласверадиган билим юртларига кириши ҳам жоиз.

9. Мактаб босқичларининг умумий имтиҳони

Мактаб босқичлари ниҳоясига етгач, яъни ўқувчи 36 паллани муваффақиятли тамомлагач, «мактаб босқичларининг умумий имтиҳони»га қўйилади. Ўқувчи умумий имтиҳонга қўйилмаслиги ҳам мумкин. Чунки шу имтиҳонсиз ҳам қабул қиласверадиган саноат ва ҳунар-техника билим юртлари бўлади.

• «Умумий имтиҳон» йилда икки марта бўлиб ўтади: биринчиси - жумодул-аввал, иккинчиси - шаввол ойларида. Мутахассислар имтиҳон куни ва жадвалини белгилайдилар. Ўқувчи хоҳласа жумодул-аввал ойидаги, хоҳласа шаввол ойидаги имтиҳонга ёзилиш ҳуқуқига эга.

• Учинчи мактаб босқичларида сақофат соҳаси учун ҳам, фан соҳаси учун ҳам, саноат соҳаси учун ҳам, хуллас, ҳар бир соҳа учун алоҳида имтиҳон белгиланиб, ҳар бирининг алоҳида жадвали бўлади.

• Имтиҳон ўқувчининг учала мактаб босқичида ўзлаштирган билимларидан олинади, лекин асосий ёътибор охирги олти ўқув палласи (31-36 паллалари)да олган билимларига қаратилади.

10. Ўқув соатлари ва ўқув дарслари

Бир кунлик ўқиш бир неча ўқув соатларидан ташкил топади. Ҳар ўқув соати қирқ дақиқадир. Ҳар икки ўқув соатининг ўртасида беш дақиқалик танаффус бўлади. Ўқув соатларининг кунлик тартиби қўйидагича:

1. Биринчи ва иккинчи ўқув соатлари ҳамда улар ўртасидаги беш дақиқалик танаффус;
2. Ўн беш дақиқалик дам олиш;
3. Учинчи ва тўртинчи ўқув соатлари ҳамда улар орасидаги беш дақиқалик танаффус;
4. Ўттиз дақиқалик дам олиш;
5. Бешинчи ва олтинчи ўқув соатлари.

Мутахассислар белгиланган ўқув бўлимларини ҳафталик ўқув соатларига тақсимлаб берадилар. Ҳар бир паллада бу бўлимларни бериб бориш учун етарли даражада вақт ажратилади.

11. Мактаб тақвими

Халифалик давлатида саналар ҳижрий йил бўйича олиб борилади. Ҳижрий бир йил 354 кундан ташкил топади. Ундан уч куни муборак Рамазон рўзази ҳайитига, етти кун эса Қурбон ҳайитига олиб ташланиб, қолган 344 кун қўйидаги жадвалда кўрсатилганидек тўрт мактаб паллаларига тақсимланади.

Палла	Бошланиши	Тугashi
Палла	1 муҳаррам	25 рабиул-аввал
Дам олиш	25-26-27 рабиул-аввал	
Палла	28 рабиул-аввал	22 жумодус-соний
Дам олиш	22-23-24 жумодус-соний	
Палла	25 жумодус-соний	20 рамазон
Дам олиш	20-21-22 рамазон	
Палла	23 рамазон	27 зулхижжа
Дам олиш	Рўза ҳайити учун 1-3 шаввол, Қурбон ҳайити учун 8-15 зулхижжа	

Биринчи мактаб палласи ҳар йили муҳаррам ойи кириши билан бошланади ва 83 кун давом этади. Шу даврадаги жума кунлари, ҳам якунловчи имтиҳон вақтлари ҳам шунинг ичida. 83 кун ўтгач, 3 кун дам олиб, кейинги палла бошланади. Йилнинг тўртинчи палласи рамазон ойини ҳамда Рўза ва Қурбон ҳайити каби муборак кунларни ўз ичига олганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Айрим ўқувчилар ёки ўқитувчилар ҳаж ёки умрани адо қилиш ё бошқа бир сафар учун бутун паллада дам олишга рухсат олишлари мумкин. Айримлар муборак Қурбон ҳайитидаги етти кунлик дам олиш пайтида ҳаж фарзини адо қилиб олишлари ҳам мумкин бўлади.

12. Оддий ҳунар-техника билим юртлари

Бу билим юртларининг вазифаси дурадгорлик, темирчилик, тикувчилик, ошпазлик ва бошқа чуқур илм талаб қилмайдиган ихтисослар бўйича ҳунарманд кадрлар тайёрламоқдир. Қандайдир сабабга кўра мактабдаги таълимни давом эттиришга қизиқмаган ўқувчи йигирма тўртинчи паллани тамомлагандан кейин шу ихтисослардан бирини ўрганиш учун мана шу билим юртларига кириши мумкин.

Мутахассислар ҳар бир соҳадаги ўқув муддатини, ўқитилиши керак бўлган дарсларни, ҳунарни пухта эгаллаш учун зарур бўлган малака ошириш ишларини белгилаб берадилар. Бу билим юртларини тамомлаган ўқувчига дурадгор, темирчи, тикувчи ёки бошқа «ҳунармандлик гувоҳномаси» берилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Мактаб таълимидан кейинги ҳар бир низомли таълим олий таълим ҳисобланади.

1. Олий таълимдан кўзланган мақсадлар

1. Мактаб босқичида шаклланган ўқувчилардаги Исломий шахсиятни янада мукаммаллаштиришга эътибор бериш. Токи улар уммат тақдирини ҳал қилувчи муаммоларни еча оладиган етакчига айлансин. Ислом бу муаммоларни мусулмонлар зиммасига ҳаётмамот масаласи қилиб юклаган. Ислом ҳаётга ҳукм низоми сифатида татбиқ этилмаётган пайтларда мусулмонларнинг тақдирини ҳал этадиган бош муаммо Халифалик давлатини барпо этиб, Оллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан ҳокимиятни бошқариш бўлади. Халифалик давлати мавжуд бўлган даврда эса бу муаммо давлатни муҳофаза қилиш, Исломни тирик сақлаб қолиш учун уни умматга татбиқ этиш, оламга даъватни олиб чиқиш, уммат ва давлат бирлигига хавф солувчи кучларни бартараф этишдан иборат бўлади. Бош муаммолар доим умматнинг диққат марказида туриши учун ихтисослари қандай бўлишидан қатъий назар, барча олий таълим талабаларига исломий сақофатдан дарс беришини тўхтатмаслик лозим. Шу билан бирга фиқҳ, усул, ҳадис, тафсир каби исломий сақофат дарсининг бўлимларини чуқур ўргатиб, мумкин қадар кўпроқ олимлар, мужтаҳидлар, саркардалар, мутафаккирлар, қозилар, фақиҳлар ва бошқаларни етиштириб чиқариш лозим. Токи Ислом умматга татбиқ этилиб, душманлардан муҳофаза қилиниб, жиҳод орқали бутун инсониятга кўтариб чиқилиб, бир сўз билан айтганда жонланиб турсин. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «**Икки гуруҳ одамлар борки, улар ўнглансалар, одамлар ўнгланадилар, улар бузилсалар одамлар бузиладилар. Улар олимлар ва амирлардир.**». Бу ҳадисни Абу Наим «ал-Ҳиля» китобида ривоят қилган. Пайғамбар ﷺ яна: «**Мендан ёмонлик хусусида сўрамангалар, мендан яхшилик хусусида сўранглар**», деб уч бора тақрорладилар. Кейин: «**Ёмонларнинг ёмони ёмон олимлардир, яхшиларнинг яхшиси яхши олимлардир**», дедилар. Бу ҳадисни Дорамий «ал-Муқаддима» китобида ривоят қилган. Шундай бўлгач, яхши олимларни етиштириб чиқаришга алоҳида аҳамият бермоқ лозим.

2. Умматнинг ҳаётий манфаатлирига хизмат қила оладиган, яқинни ва узоқни (стратегияни) кўзлаб режалар тузга оладиган кадрлар етиштириб чиқариш. Умматни мудофаа қилишга қодир

бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қила оладиган, Исломни ёйиш учун кофирлар билан курашишга қурби етадиган кучли қўшин ҳамда сув, озиқ-овқат, турар жой, хавфсизлик, соғлик каби зарурий эҳтиёжларни бекаму-кўст қондирувчи омиллар ҳаётий манфаатлардир. Уммат бирор манфаат туфайли кофир давлатнинг таъсирига тушиб қолмай, ўзини-ўзи бошқара олиши учун зироат, сув, хавфсизлик ва бошқа ҳаётий манфаатлар соҳаларида энг замонавий восита ва услубларни яратса оладиган иқтидорли тадқиқотчиларни етишириб чиқариш олий таълимнинг вазифасидир. Оллоҳ Таоло айтади:

وَكُنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا

— „*Ва Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай*“ [4:141]

Умматнинг ҳаётий мафаатларини ҳимоялаш борасида қўлланмалар ёза оладиган, таклифлар кирита оладиган ҳамда узоқни кўзловчи (стратегик) режалар туга оладиган иқтидорли сиёsatчи кадрларни етишириб чиқариш ҳам олий таълимнинг бурчидир.

3. Қозилар, фақиҳлар, табиблар, муҳандислар, ўқитувчилар, таржимонлар, бошқарувчилар, ҳисобчилар, ҳамширалар каби умматнинг юмушларини бажарадиган кадрлар тайёрлаш. Давлат муомалаларда ва жазо чораларини қўллашда Ислом ҳукмларини тўла татбиқ этишига қанчалар бурчли бўлса, йўллар, шифохоналар ва мактаблар каби умматнинг эҳтиёжларини қондиришшга ҳам шунчалик бурчлидир. Бу ихтисосларни ўрганиш умматга фарзи кифоядир. Уларни шаръий тарзда амалга оширадиган омилни вужудга келтириш давлатнинг вазифасидир.

2. Олий таълим турлари

Олий таълим асосан икки турга бўлинади:

1. Маълумот олиш таълими (бунда тадқиқот олиб боришга нисбатан маълумотлар тўплаш кўпроқ бўлади): Бу таълим университетлар факультет (куллиёт)ларида программалар, маъruzалар, ўқув жадваллари билан тартибга солинган таълимдир. Бу таълимни тутатган талаба хоҳ техникага оид бўлсин, хоҳ ходим тайёрлашга оид бўлсин биринчи далолатномани, ҳозирги замон тили билан айтганда - дипломни ёки иккинчи далолатномани, ҳозирги замон тили билан айтганда - маълум бир соҳадаги бакалавр унвонини олади.

2. Тадқиқот олиб бориш таълими: Бу таълим маълумот тўплаш таълимидан кейинги таълимдир. Унда маълумот тўплашдан кўра тадқиқот олиб бориш ишлари кўпроқ бўлади. Талаба илмий изланиш маҳоратини ўрганади. Сақофат ёки илмларнинг муайян бир соҳасига ихтисослашади. Аниқ тадқиқотлар олиб бориб, янги кашфиёт ёки янги ихтирога эришади. Бу турдаги таълимни тугатган талаба «биринчи олимлик далолатномаси»ни, замонавий қилиб айтганда магистрлик гувоҳномасини қўлга киритади. Шундан кейин яна бир сақофат ёки фанларнинг муайян соҳаси бўйича тадқиқот олиб бориб, «иккинчи олимлик далолатномаси»ни, замонавий тил билан айтганда - докторлик гувоҳномасини олиши ҳам мумкин.

3. Олий таълим муассасалари

Олий таълимдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун давлат шу ишни бошқарадиган муассасаларни барпо қилади. Улар қўйидагилар:

1. Техника билим юртлари;
2. Ходимлар тайёрлаш билим юртлари;
3. Университетлар;
4. Илмий тадқиқот марказлари;
5. Ҳарбий билим юртлари.

3-1. Техника билим юртлари.

Бу билим юртлари телефон ва компьютер каби электрон аппаратларни созлайдиган оддий ҳунарларга нисбатан кўпроқ билимни тақозо қиладиган, замонавий техникага ихтисослашган уста кадрларни тайёрлайди. Унга кириш учун ўқувчи учинчи мактаб босқичини, яъни 36 паллани тамомлаган бўлиши шарт. Умумий имтиҳондан эса ўтган бўлиши шарт эмас. Мутахассислар ундаги ҳар бир ихтисос бўйича ўқиш муддатини, мактаб паллаларини, шунингдек, учинчи мактаб босқичида саноат соҳасини тамомлаган ўқувчининг қайси фанлардан озод бўлишини белгилаб берадилар. Уни битириб чиққан ўқувчи ўзи ўқиган соҳа бўйича «биринчи далолатнома» гувоҳномасига эга бўлади.

Зироат билим юртлари ҳам шулар жумласига киради. Улар зироат соҳасини давлатдаги таълим соҳаси билан мувофиқлаштириб олиб боради. Ҳамда университет билими шарт бўлмаган зироатга оид ишларга ихтисослашиб, сувчилик, уруғчилик, боғбонлик, ўғитлаш, сугориш, буташ, ҳайвонлар ва паррандалар боқиш, ҳайвонот ва набототга оид ишлаб чиқаришларни саноатлаштириш каби зироатга оид ишларни

бажарадиган кадрларни тайёрлайди. Учинчи мактаб босқичида зироат соҳасини тамомлаган ўқувчини қайси фанлардан озод этишни мутахассислар белгилаб берадилар.

3-2. Ходим тайёрлаш билим юртлари.

Бу билим юртлари университетни битирмасдан ҳам бажариш мумкин бўлган вазифаларни адо этишга яроқли мутахассис кадрларни тайёрлайди. Уларга кириш учун энг камидаги мактаб босқичларининг умумий имтиҳонини топшириш шарт. Ҳар бир соҳага қабул қилиш шартларини ҳам, ўқитиладиган дарсларни ҳам, ўқув муддатини ҳам мутахассислар белгилаб берадилар. Билим юртларини битириб чиқсан ўқувчи ўзи ўқиган соҳа бўйича «биринчи далолатнома» гувоҳномасига эга бўлади.

Ҳамширалар, нур воситасида даволовчи мутахассислар, лаборатория ходимлари, тиш шифокорлари каби кадрларни етиштириб чиқарувчи билим юртлари, университет билимига муҳтоҷ бўлинмайдиган бухгалтерия, молиявий жамғармалар, закот ҳисоблари каби кичик ширкатларни бошқариш учун керак бўладиган оддий молиявий ва идорий соҳа кадрларини тайёрлайдиган билим юртлари шулар жумласидандир.

Ҳар хил мактаб босқичларида ишлашга ҳамда университетни битириб, ўқитувчилик қилмоқчи бўлганлар учун маҳсус паллаларни тайёрлаб беришга лаёқатли ўқитувчиларни етиштириб чиқарадиган билим юртлари ҳам шулар қаторига киради.

Бундай билим юртлари давлатнинг ҳамма вилоятларига кенг тарқалиб, уларнинг эҳтиёжларига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, денгиз соҳилида жойлашган вилоятларда балиқчилик, кемасозлик, портларни бошқариш каби соҳа кадрларини тайёрловчи билим юртлари барпо этилса, зироат билан машҳур бўлган вилоятларда зироатга оид билим юртлари ташкил қилинади.

3-3. Университетлар.

«Мактаб босқичларининг умумий имтиҳони»дан ўтган ўқувчи давлат университетларига кириш ҳуқуқига эга. Университетлар муваффақиятли ўтган талабаларни йилда икки марта қабул қилади. Маълум бир ихтисосга қабул қилишда қўйидаги ишларга асоссланилади:

1. Ўқувчининг «мактаб босқичларининг умумий имтиҳони»да олган баҳоларининг ўртача ҳисоби;

2. Ўқувчининг учинчи мактаб босқичида ихтисослашган соҳаси (сақофат ёки фан ёки тижорат соҳаси...);

3. Ўқувчининг умумий имтиҳонда ўзи танлаётган соҳага алоқадор дарслардан олган баҳоси. Масалан, фиқҳ ва шаръий

билимлар факультети талабаси исломий сақофат ва араб тили фанларидан аъло баҳолар олган бўлиши лозим. Ҳандаса соҳасини танлаган ўқувчи математика, физика дарсларидан, тиббиёт факультетини танлаган ўқувчи эса биология ва химия фанларидан аълочи бўлмоғи даркор. Университетнинг ҳар бир ихтисосига алоқадор дарсларни, улардан олинган ўртача баҳони мутахассислар белгилаб берадилар.

Университет қўйидаги факультетларни ўз ичига олади.

- Исломий сақофат факультети. Унда ўқиладиган фанлар: Тафсир, фиқҳ, ижтиҳод, қозилик ва шаръий билимлар;

- Араб тили факультети;

- Ҳандасага оид фанлар факультети. Қурилиш инженерлиги, механика, энергетика, электроника, алоқа инженерлиги, учувчилик, компьютер муҳандислиги ва бошқалар;

- Компьютер билимлари (информацион технология) факультети. Программалаштириш, маълумотларни тартиблаш, программачи муҳандис;

- Аниқ фанлар факультети. Математика, химия, физика, компьютер, астрономия (фалакиёт), география, геология ва бошқалар;

- Тиббиёт фанлари факультети. Тиббиёт, даволаш, ташхис қўйиш, тиш шифокорлиги, дори тайёрлаш;

- Зироат фанлари факультети. Ўсимликларга оид фанлар, ҳайвонотга оид фанлар, уй чорваси ва паррандаларни боқиши, озиқ-овқатларни сақлаш, наботот ва ҳайвонотга оид касалликлар;

- Молиявий ва идорий фанлар факультети. Бухгалтерия, иқтисод, тијорат. Эҳтиёжга қараб яна бошқа фанлар ҳам ташкил қилиниши ёки киритилиши мумкин.

3-4. Илмий тадқиқот марказлари.

Бу марказлар турли хил сақофий ва фанга оид мавзуларда аниқ тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади. Масалан, сақофат соҳасида даъватни элчихоналар ва музокаралар орқали ёйишда узоқни кўзловчи (стратегик) режалар тузиш ва услублар қўллаш борасида ёки фиқҳ, ижтиҳод, тилшунослик борасида изланишлар қилиб, чуқур фикрларга эришилади. Фанга оид соҳаларда эса саноат, атом, фазо илмлари ва бошқа чуқур тадқиқотни тақозо қилувчи мавзуларда янгича воситалар ва услублар ижро қилинади.

Бу марказлар университетлар қошида бўлиши ҳам, бевосита ўзлари таълим идорасига қарашли бўлиши ҳам мумкин. Уларда олимлар, университет ўқитувчилари ҳамда университетдаги дарс

жараёнида ўзларидаги ихтирочилик, тадқиқотчилик, янгилик яратиш қобилятини намойиш эта олган айрим ўқувчилар иш олиб борадилар.

3-5. Ҳарбий билим юртлари ва тадқиқот марказлари.

Уларнинг вазифаси Оллоҳнинг ва мусулмонларнинг душманларига хавф солиш учун ҳарбий саркардаларни етиштириб чиқариш ҳамда ҳарбий восита ва услубларни такомиллаштиришдир. Бу билим юртлари ва марказларига жиҳод амири бошчилик қиласи.

4. Олий таълим далолатномалари ва шаҳодатномалари

1. Олий таълимнинг хунар-техника билим юртларидан бирини тамомлаган ўқувчига ўзи ўқиган соҳа бўйича «биринчи далолатнома» номли гувоҳнома берилади. Масалан, «алоқа ёки компютер соҳаси бўйича биринчи далолатнома» ва ҳоказо;
2. Олий таълимнинг ходим тайёрлаш билим юртларидан бирини тамомлаган ўқувчига ўзи ўқиган соҳа бўйича «биринчи далолатнома» номли гувоҳнома берилади. Масалан, «таълим ёки фельдшерлик соҳаси бўйича биринчи далолатнома» ва ҳоказо;
3. Олий таълимга қарашли университет факультетларидан бирида маълумот тўплаш соҳасини битирган ўқувчига «иккинчи далолатнома» номли гувоҳнома берилади. Бу замонавий тил билан айтганда бакалаврикка тўғри келади;
4. Тадқиқот олиб бориш таълим мининг биринчи босқичини тамомлаган ўқувчига «биринчи олимлик далолатномаси» номли шаҳодатнома берилади. Бу магистрлик унвонига тўғри келади;
5. Тадқиқот олиб бориш таълим мининг иккинчи босқичини тамомлаган ўқувчига «иккинчи олимлик далолатномаси» деб номланган гувоҳнома берилади, у ҳозирги докторлик унвонига тўғри келади.

ИЛОВАЛАР

Жадвалда мактаб паллалари ўқувчиларнинг ёшлирига қараб ажратилган. Унда икки чегара белгиланиб, кўпчилик ўқувчилар улар орасига тушадилар. Биринчисида 36 паллани ҳеч қандай дам олишсиз ва паллада қолмасдан энг оз муддатда, яъни 9 йилда тамомлаган ўқувчи кўрсатилса (жадвалда қора тўрт бурчак билан белгиланган), иккинчисида ҳар йили дам олиб, лекин паллада қолмасдан 36 паллани 12 йилда тамомлаган ўқувчи кўрсатилган (жадвалда кулранг тўртбурчак билан белгиланган). Бу икки чегара ўртасига кўпчилик ўқувчилар тушадилар (улар жадвалда диагонал тўртбурчак чизиқлар билан белгиланган).

Касаллик, паллалардан қолавериш ёки бошқа сабаб туфайли 12 йилда ҳам мактаб босқичини тамомлай олмаган ўқувчиларга 20 ёшлирига қадар мактабда ўқишларига рухсат берилади. Жадвалдаги охирги устунлар (17-20 ёшлар) шу ҳолатни кўрсатиб турибди.

Мактаб паллаларини ўқувчиларнинг

Ё	Биринчи мактаб босқичи (бошланғич)												Иккинчи мактаб												
	6-7				7-8				8-9				9-10				10-11				11-12				
П	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	
1																									
2																									
3				#																					
4																									
5																									
6									#																
7																									
8																									
9																									
10																									
11																									
12																					#				
13																									
14																									
15																									
16																									
17																									
18																									#
19																									
20																									
21																									
22																									
23																									
24																									
25																									
26																									
27																									
28																									
29																									
30																									
31																									
32																									
33																									
34																									
35																									
36																									

**Жадвалдаги шартли
қисқартмалар:**

- Ё - ёш
- П - палла
- @ - мактабни тугатадиган ёши
- - муттасил ўқиш
- - ҳар йили муттасил бир палла дам олиш
- # - дам олиш ўқув палласи
- - дам олишлар билан ўқиш

ёшларига қараб тақсимлаш жадвали

босқичи (ўрта)								Учинчи мактаб босқичи (якунний)																Ё	
12-13				13-14				14-15				15-16				16-17				17-20					
1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	П	
																									1
																									2
																									3
																									4
																									5
																									6
																									7
																									8
																									9
																									10
																									11
																									12
																									13
																									14
																									15
																									16
																									17
																									18
																									19
																									20
			#																						21
																									22
																									23
							#																		24
																									25
																									26
																									27
																									28
																									29
																									30
																									31
																									32
																									33
																									34
																									35
																									36
												@	@	@	@	@	@	@	@	@	@	@	@		

